ҒЎЗАНИ ТЕКИС ШОНАЛАТИБ ОЛАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 124 (13.080).
29 май 1965 йил
ШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўзбекистон ССР олтинчи чақириқ Олий Советининг бешинчи сессияси 28 майда ўз ишини давом эттирди.

Эрталаб соат 9 да республика Олий Совети Раисининг ўринбосари депутат **А. Р. Хўжаев** раислигида Олий Советнинг учинчи мажлиси бошланди. Кун тартибидаги иккинчи масала — «Ўзбекистон ССР шаҳарлари, район марказлари, шаҳар посёлкалари ва аҳоли яшайдиган бошқа пунктларни қуриш ва ободонлаштиришни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги масала юзасидан мажлисда музокаралар давом эттирилди.

Музокараларда депутатлардан **Г. Г. Светленко** (57- Шахтёр сайлов округи), **С. И. Иброҳимов** (339- Навоий шаҳар сайлов округи), Наманган шаҳар ижроия комитетининг раиси **М. Иброҳимова**, депутатлардан **А. Умаров** (252- Ленин сайлов округи), **Н. Я. Чумаков** (447-Шеробод сайлов округи), **Б. Х. Маъзумов** (130-Паласон сайлов округи), **М. Худойбергенов** (389- Свердлов сайлов округи), **Т. Латипов** (115-Димитров сайлов округи, **К. Нурумбетов** (355-Бойбозор сайлов округи), Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши Биноқорлик материаллари саноати бошқармасининг бошлиғи **С. Т. Тўхтахўжаев**, Ғиждувон район ижроия комитетининг раиси **Ш. Шаропов**, «Узглавколхозстрой» бошлиғининг биринчи ўринбосари **И. К. Земский**, депутат **В. М. Белдянов** (456- Славянск сайлов округи) қатнашди.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан докладчи — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **Ё. С. Насриддинова** музокаралар тамом бўлганидан кейин якунловчи нутқ сўзлади.

Олий Совет муҳокама қилинган масала тўғрисида бир овоздан тегишли қарор қабул қилди.

Шундан сўнг Олий Совет кун тартибидаги учинчи масалани — Ўзбекистон ССР 1964 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама қилишга ўтиб, республика молия министри депутат **В. М. Муродхўжаев**нинг докладини тинглади.

* * *

28 май кундуз соат иккида Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи мажлиси бошланди. Бу мажлис республика Олий Советининг Раиси депутат **О. Содиқов** раислигида ўтди.

Олий Совет кун тартибидаги учинчи масалани қараб чиқишни давом эттириб, Олий Совет Бюджет комиссиясининг қўшимча докладини тинглади. Бюджет комиссиясининг раиси депутат **Ғ. Ғ. Юсупов** доклад қилди.

Республиканинг 1964 йилги Давлат бюджетининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот юзасидан музокараларда депутатлардан **Г. И. Скоробогатов** (216- Тошбулоқ сайлов округи), **А. Саримсоқов** (173- Завод сайлов округи), **А. А. Хўжаев** (48-Оҳангарон сайлов округи), Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси **Е. Айтмуротов**, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши раисининг биринчи ўринбосари **И. Ф. Муҳамедов**, депутат **Х. Умаров** (166-Қўқон сайлов округи) қатнашдилар.

Олий Совет республиканинг 1964 йилги Давлат бюджетининг бажарилиши тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди.

Шундан кейин Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми секретари депутат **Р. Сахибоев**нинг республика Олий Совети Президиуми Фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги доклади тинглади.

Олий Совет республика Олий Советининг тўртинчи ва бешинчи сессиялари ўртасидаги даврда чиқарилган Фармонларини бир овоздан тасдиқлади ва тегишли Қонун ҳамда қарорлар қабул қилди.

Депутат **А. Р. Хўжаев** Ўзбекистон ССР министри қилиб тайинланганлиги муносабати билан Олий Совет уни республика Олий Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилди.

Депутат **С. Р. Расуловни** (162- Марғилон сайлов округи) Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари қилиб сайлаш ҳамда уни республика Олий Советининг коммунал хўжалиги ва маиший хизмат доимий комиссияси раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилинди.

Республика Олий Совети коммунал хўжалиги ва маиший хизмат доимий комиссиясининг аъзоси бўлган депутат **Т. Содиқов** (37- Тельман сайлов округи) шу комиссиянинг раиси қилиб сайланди. Депутат **Д. Ҳаққулов** (420- Чияли сайлов округи) Ўзбекистон ССР Олий Советининг коммунал хўжалиги ва маиший хизмат доимий комиссияси составига киритилди.

Шу билан Ўзбекистон ССР олтинчи чақириқ Олий Советининг бешинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

Андижон области, Задарё районидаги «Правда» колхози пилла-чилари ҳозирданоқ давлатга 3 тоннадан зиёд пилла топширдилар. Суратда колхозниг илғор пиллачиси Муҳаббат Ашуровани кўриб турибсиз. У ҳар қути қурт уруғидан 110 килограммдан пилла ҳосили олишга эришди.

Е. Корниенко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

А. Н. КОСИГИН КХДР ҲАРБИЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 28 майда Кремлда Корея Халқ Демократик Республикаси миллий мудофаа министрининг ўринбосари, бош штаб бошлиғи армия генерали Цой Гван бошчилигидаги КХДР ҳарбий делегациясини қабул қилди.

Дўстона, самимий вазиятда ўтган суҳбатда Корея Халқ Демократик Республикаси миллий мудофаа министрининг ўринбосарлари—ҳарбий ҳаво кучлари ва ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўмондони генерал-полковник Ким Дэ Хон ва генерал-полковник Чон Бен Гак, генерал-майор Син Ен Су, шунингдек Корея Халқ Демократик Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Ким Бен Дик ва ҳарбий атташе старший полковник Цой Ден Гер қатнашдилар. Суҳбатда совет томонидан СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети раисининг ўринбосари генерал-полковник Г. С. Сидорович ва генерал-лейтенант Г. Ф. Ворокцов қатнашдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

И. Франко номидаги Ленин орденли Украина Давлат академик драма театрини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида

Улуғ Ватан уруши йилларида украин халқи маданиятини Ўзбекистон меҳнаткашлари орасида пропаганда қилишда катта ва самарали иш олиб борганлиги ва бу кўп миллатли ягона совет оиласидаги ўзбек ва украин халқлари дўстлигини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнагани учун И. Франко номидаги Ленин орденли Украина Давлат академик драма театри Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри, 1965 йил, 28 май.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Украина ССРнинг ижодий коллективларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистонда Украина адабиёти ва санъати декадасини муваффақиятли ўтказганлиги, украин халқининг маданият соҳасида эришган муваффақиятларини республика меҳнаткашлари орасида пропаганда қилиш юзасидан самарали иш олиб борганлиги учун ва бу кўп миллатли ягона совет оиласидаги ўзбек ҳамда украин халқларининг қардошларча дўстлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга жуда катта ҳисса бўлиб қўшилганлиги учун Украина ССРнинг қуйидаги ижодий коллективлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Украина Ёзувчилар союзи.
Украина Рассомлар союзи.
Украина Композиторлар союзи.
Украина Кинематография ходимлари союзи.
Украина ССР Театр жамияти.
Т. Г. Шевченко номидаги Ленин орденли Украина ССР Киев опера ва балет Давлат академик театри.
Закарпатье хизмат кўрсатган Давлат халқ хори.
П. В. Лисенко номидаги Меҳнат Қизил байроқ орденли Харьков опера ва балет Давлат академик театри.
Одесса опера ва балет Давлат академик театри.
И. Франко номидаги опера ва балет Львов Давлат академик театри.
«Укрконцерт» — Украина гастроль-концерт бирлашмаси.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри, 1965 йил, 28 май.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ БОЛГАРИЯДА БЎЛИШИ

СОФИЯ, 28 май. (ТАСС). Болгарияда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси кеча Русе шаҳрида бир кун бўлди, деб хабар беради БТА агентлиги. Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Митко Григоров ва Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Иван Примов, шунингдек Совет Иттифоқининг Болгариядаги элчиси Н. Н. Органов делегацияга ҳамроҳлик қилмоқдалар.

Туш вақтида делегация Болгария Коммунистик партияси Русе округ комитети бюроси аъзолари билан учрашди. Округ комитетининг биринчи секретари П. Данаилов Совет делегацияси аъзоларини округ партия ташкилотининг фаолияти билан таништирди.

М. А. Суслов ахборот учун болгариялик ўртоқларга миннатдорчилик билдирди ва Болгария Коммунистик партияси округ комитетига КПСС Марказий Комитети номидан совға топширди.

Тушдан кейин КПСС делегацияси аъзолари Георгий Димитров номидаги машинасозлик заводи коллективи ҳузурида меҳмон бўлдилар. Машинасозлар делегацияни самимий кутиб олдилар.

Кечқурун Совет делегацияси аъзолари Бизенинг «Марварид қидирувчилар» операсини томоша қилдилар.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ИНДОНЕЗИЯДА

ЖАКАРТА, 27 май. (ТАСС). Индонезия Республикасининг президенти Сукарно Индонезия Коммунистик партиясининг 45 йиллигини байрам қилишда қатнашиш учун келиб, бу ерда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясини «Мердека» саройида қабул қилди.

Учрашув самимий, очиқ кўнгиллилик вазиятида ўтди.

Бугун КПСС делегацияси Бош министрнинг биринчи ўринбосари ва ташқи ишлар министри доктор Субандрио ҳузурида бўлди ҳамда Индонезия парламентининг раҳбарлари билан дўстона учрашув ўтказди.

АНДИЖОН ДЕНГИЗИ

Қорадарё соҳилларига борган кишининг баҳри-дили очилади. У ердаги ажойиб манзаранинг мафтуни бўлиб қоласиз. Табиатнинг уста наққош эканига яна бир бор тан берасиз. Ясси, Узган ва Қуршоб дарёларида сув лиммо-лим оқяпти. Бу уч дарё суви худди пойга қилаётгандек олдинга ошиқади.

Бу оқим Қорадарёга бориб қўшилади ва қудратли тўлқинга айланади. Тошдан тошга урилиб оқаётган сув қанчадан-қанча боғ-роғларни ёшнатади, далаларга об-ҳаёт элтади. Лекин азим дарёнинг суви Ғарғона водийси учун озлик қилади.

Қорадарё сувига яна шунча сув қўшилса! Бундан беш йил муқаддам Андижон деҳқонларининг дилида ана шундай эзгу ният туғилган эди. Орадан кўп ўтмай деҳқонлар орзуси куртан ёза бошлади. Дарёлар туташган жойда сунъий денгиз барпо этишга қарор қилинди. Мана, икки йилдирки, бу ерда ҳаёт қайнайди. Икки баланд адир ўртасида бульдозерлар ҳайқиради, ишчилар қаҳ-қаҳаси баралла жаранглайди.

Андижон сув омбори қурилиши ҳали хариталарда ўз ифодасини топган эмас. Бу ерда деҳқон умидини рўёбга чиқариш учун тинч ижодий меҳнат жанги қизғин давом этяпти. Меҳнат жангида шофер ҳам, кранчи ва экскаваторчи ҳам, бетончи ва гишт терувчи ҳам, инженер-техник ходим ҳам қатнашмоқда. «Андижангидрострой» бошқармаси партия ташкилотининг секретари Борис Ямницкий об-ҳаёт жиловкорлари тўғрисида ҳаяжонланиб гапиради.

— Ҳар бир бинокорнинг қурилишда ўз ўрни бор. Унинг қилган иши ҳар қадамда кўзга ташланиб турибди, — дейди у ўй-жой, мактаб, маданий-маиший биноларга ишора қилиб, — бири шу бинога гишт терган, иккинчиси сувоқ қилган, учинчиси бинога жило берган.

Партком секретари дурадгорлар бригадасининг бошлиғи Николай Казаковнинг уддабуронлиги тўғрисида гапириб бундай деди:

— Николайга ҳавасим келади. У сира тинмиб-тинчимайди. Нимани буюрсангиз, уддасидан чиқади. Баъзан иш шундай кўпайиб кетадики, кунни тунга улаб юборишга тўғри келади. Шундай пайтда ҳам Николай ҳоридим, демайди.

Қурилишни айланиб юрибмиз. Куни кеча фойдаланишга топширилган 50 ўринли ошхона биноси кўзга ташланади. 90 ўринли болалар боғчаси, ёзлик клуб, ҳаммом... Сабзавот ва озиқ-овқат сақланадиган омбор, арра дастгоҳи ҳамда устахона учун қурилган бинолар сизга пешвоз чиқаётган мезбондек туюлади.

— Булар, қурувчиларнинг меҳнат маҳсули, — деб қўяди Борис Ямницкий ҳар бир бинонинг олдига келганда.

— Салом, Лев Елаветский! Бугун ишнинг бориши қалай, дончиларингиз бардамми? — партком секретари юзи офтобда қорайган новча йигит билан сўрашди.

— Ишимиз ҳам, найфиятимиз ҳам яхши, Борис ака.

— Баракалла, ўтган тўрт ой ичида яхши ишлаганингиз учун бошқарманинг кўчма Қизил байроғи сиз бошлиқ участкага берилди. Эллик сўм пул мукофоти ҳам бор...

Эмин Охунов, Ҳамза Шаипов, Тўлаш Исмоилов каби азаматларнинг ҳам қурилишда салмоқли ҳиссалари бор.

Бетон заводи қурилишидамиз. Йилига бир миллион 100 минг кубометр бетон ишлаб чиқарадиган бу заводнинг биринчи навбати яқиндагина ишга туширилди. Бу барча участкаларни бетон билан таъминлай олади. Нарриқда шагал заводи қурилянти. Бу ерда ҳам иш қизғин.

...Андижон сув омбори Ўрта Осиёдаги энг йирик гидротехника иншооти бўлиб, Ғарғона водийсида пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини юксалтиришда катта аҳамият касб этади. Бу сунъий денгизга 1.750 миллион кубометр сув сиғади.

Аммо айрим ташкилотларнинг сусткашлиги ишнинг белига теппоқда. «Узгавводстрой» раҳбарлари металл конструкциялари етказиб беришни пайсалга солмоқдалар. Тошкент асбобсозлик заводи, Марғилон ва Андижон механика заводлари қурилиш учун зарур бўлган механизмларни ўз вақтида етказиб бермаётирлар.

Тўғон қурилишига пойдевор қўйиладиган кунлар яқин. Афсуски, қурилишнинг техникавий лойиҳасини тузиш ҳанузгача тугалланган эмас. Бу ишни «Средазгипроводхлопок» институтининг ходимлари орқага суришяпти.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг Андижон область мухбири.

БУЛАР БЎКАДА БЎЛЯПТИ

Ҳурматли газетхон! Мана шу суратларга бир назар ташланг-а! Биринчисини кўриб кўзингиз қувонса, ёнидагисидан бениҳоя ранжийсиз. Келинг, гапни бир бошидан бошлайлик.

Шу иккала сурат ҳам Тошкент областининг Бўка районида олинган. Биринчисида «Ленин йўли» колхозининг коммунист Мустафо Музаффаров бошлиқ бригадаси далаларидаги ғўзаларни кўраяпсиз. Бригада аъзолари чиндан ҳам ғайрат кўрсатиб ишлашяпти. 85 гектар майдондаги ғўзанинг ҳаммаси баравж ўсиб, шонага кириш олдида. Ҳозиргача икки марта комплекс парваришдан чиқарилган ғўзалар ҳар куни бир яшнамоқда.

Бу ишда механизаторлардан коммунист Йўлдош Сулаймонов ҳамда Асрақул Эргашев, сувчилардан Мусалдин Сандов ва Илҳом Афоқов ўртоқлар айниқса жонбозлик кўрсатишяпти. Шу кечакундузда учинчи парвариш қизитиб юборилди. Гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд-паймон қилган мазкур бригада аъзолари ҳар туп ғўзани меҳр билан парвариш қилишяпти.

Бироқ, 1-«Пискент» совхозининг 4-бўлимига қарашли ўртоқ Баҳром Дўнгбоев бошлиқ бригада ғўзаларини кўриб ачичасиз. Қаранг, (иккинчи сурат) энди ердан қаддини кўтармоқчи бўлган ёш ниҳолларни тизза баравар келадиган бегона ўтлар қисиб ташлаган. Ғўза туплари бўлиқ ғумай ва бошқа ўтлар орасида қолиб кетган.

Хўш, гап нимада ўзи? Асосий гап шундаки, бригада бошлиғи Дўнгбоев ўтган йилнинг аччиқ сабоқларидан тегишли хулоса чиқариб олмаётир. Бригада бултур пахта тайёрлаш планини аранг 60 процентга етказган эди. Дастлабки даврдаёқ ғўза парваришига жиддий эътибор берилмаганлиги, ёш ниҳоллар вақтида озиқлантирилиб, суғорилмаганлиги оқибатида ана шундай кам ҳосил етиштирилди.

Шундай бўлишига қарамасдан, бултурги хатолар бу йил ҳам такрорланмоқда. 75 гектар майдонга экилган чигитнинг бир қисми текис униб чиқмади, 19 гектар ердаги чигит ола кўкарди. Тўғри, ана шу майдонларга қўлда чигит экилган эди. Лекин, у ўз вақтида ундириб олинмади. Бригада бошлиғи Баҳром Дўнгбоев бу ерларни суғориб юбориш ҳақида буйруқ берди. Шундан кейин қайта экилган чигитнинг анча қисми униб чиқди. Лекин ҳали ҳам ола кўкарган жойлар, бўмбўш уялар кўп. Бунинг устига, энди ниш уриб кўкараётган ёш ниҳоллар турли-туман ўтлар орасида кўмилиб қолган.

Балки, бригадада ишчи кучлари етарли эмас дерсиз. Асло! Шу бригада ҳисобидаги 17 киши совхоздан ҳақ олади. Улар ғўза парваришидан тортиб, йиғим-терим охиригача дала ишларида актив қатнашишлари керак. Бироқ, бригада бошлиғи ўртоқ Дўнгбоевнинг бепарволигидан фойдаланган ана шу кишилар ишга кеч чиқиб, эрта қайтишади, нормани бажаришмайди. Масалан, 27 май куни соат 10 га қадар далада ҳеч ким кўринмади. Соат 10 дан ўтгач, яккаю-ягона бир қиз кетмон кўтариб дала ўртасигача борди-ю, ўша ерда ўтирганича бошқаларни роса кутди. Бригада бошлиғининг ўзидан эса ҳанузгача дарак йўқ эди. Бошлиқнинг ўзи меҳнатга ана шундай муносабатда бўлгач, бошқа колхозчилардан гина қилмаса ҳам бўлади.

Меҳнатнинг ёмон уюштирилганлиги натижасида бригадада ғўза парвариши жуда суст бормоқда. Энди биринчи культивация тамомланган бўлса-да, у саёз ўтказилганлигидан бегона ўтларнинг томири қирқилмай қолган. Совхоз дирекциясига берилган маълумотда биринчи суғориш тамомланганлиги кўрсатилган. Аслида баъзи пайкаллар чала суғорилган, айрим эгатларга умуман сув қўйилмаган, сув қўйилса-да, у, каттанинг ярмига бориб тўхтаб қолаверган. Бунинг натижасида кўпгина ғўза туплари чанқаб қоляпти.

Бригадада битта эмас, иккита механизатор бор. Бири Тўхта Абдуллаев, иккинчиси — Тожибой Сафаров. Иккаласи ҳам тоғни урса талқон қилгудек забардаст. Лекин улар жон қойитиб ишламаяпти. Трактор культиваторларининг иш унуми паст, культивация сифатсиз, талабга жавоб бермайди. Культиваторнинг ишчи органлари дуруст ўрнатилмаганлиги сабабли, у қатор ораларини шунчаки тилиб кетяпти. Ҳатто культиватор ўтган эгатларда ҳам бегона ўтлар бўй чўзганича қоляпти.

Бригадада дала шийпони йўқ. Ишчилар учун маданий-маиший шароитлар яратиб берилмаган. Уларнинг иши устидан умуман контроль ўрнатилмаган.

Шунисн ажабланарлики, бўлим бошқарувчиси ўртоқ Йўлтой Бердиев ҳар куни бўлмаса ҳам, кун оша мазкур бригада даласига келиб кетади. Аммо у, ғўзаларнинг ночор аҳволини ўз кўзи билан кўрса-да, чапга бурилиб ўтади. Совхоз директори ўртоқ Ҳоди Мирзаев, бош инженер Ғуломназар Турдиохунов ҳамда бош агроном Пак ўртоқлар ҳам шу бригада даласида бир-икки марта бўлганлар. Улар ҳам «ана ундай қилинг, мана бундай қилинг», деб насиҳатгўйликдан нарига ўтмадилар. Оқибат-натижада ғўзалар қаровсиз қоляпти.

Биз хўжаликдаги биргина бригадани мисолга келтирдик. Ўтган йили Тошкент областида фақат шу совхоз пахта тайёрлаш давлат планини бажаролмаган эди. Иш шундай кетаверса, бу йил аҳвол қандай бўлар экан-а?

Бўка районидаги ана шу икки хил аҳволга қандай баҳо бериш мумкин? Пахтачиликдаги умумий юксалиш ҳаммага баббаравар раҳбарлик қилишни тақозо этади. Район раҳбарлари нега бу совхоз билан жиддий шуғулланмайдилар? Илгор колхозлар ва бошқа хўжаликлар нега ёрдам қўлини чўзишмайди?

Ана шу саволлар жавобсиз қолмас, деган умиддамиз.

С. ҚОДИРОВ.



Ф. Лутфуллаев фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ V СЕССИЯСИ

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЯНАДА ОБОД БЎЛСИН!

Ё. С. НАСРИДДИНОВА доклади юзасидан музокаралар

М. И. ИБРОҲИМОВ нутқи

Фарғона область ижроия комитетининг раиси

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати социалистик экономикани янада юксалтириш ва халқ фаровонлигини кўтариш соҳасида катта тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ўтган олти йил мобайнида Фарғона областининг бир ўзидагина 432 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди, 553 километр узунлигида водопровод, канализация ва магистрал газ шохобчалари қурилди, 39 мингдан ортиқ квартира, шу жумладан қишлоқ жойларида олти мингга яқин квартира газ билан таъминланди. Шаҳарлар, посёлкалар ва аҳоли яшайдиган пунктларнинг йил сайин ўз қиёфасини ўзгартирмоқда, тобора обод қилинмоқда.

Аммо, шуни эътироф қилиш керакки, қурилиш ва ободончилик ишларининг ҳозирги суръатлари ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига, аҳоли сонининг ортиши ва халқ талабларининг ўсиб бораётганлигига жавоб беролмайди. Қурилиш объектларини планлаштириш ва лойиҳалаш юзасидан белгиланган тартибни ўзгартириш зарур бўлиб қолди. Бу лойиҳаларни комплекс асосда ишлаб чиқиш, смета-молия ҳисоб-китобларида эса уй-жой, мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, магазин ва ошхоналар қурилишини кўзда тутиш керак. Биз лойиҳалаш институтлари колхоз ва совхозларда кўп деганда 40-50 ўринли мактабгача тарбия муассасаларининг типовой лойиҳаларини ишлаб чиқишлари ва болалар боғчалари ҳамда болалар яслилари учун алоҳида-алоҳида лойиҳалар ишлаб чиқишлари керак, деб ҳисоблаймиз. 140 ўринга мўлжалланган болалар комбинатларининг мавжуд лойиҳалари колхоз ва совхозлар учун мақбул эмас. Хўжаликлар аҳоли яшайдиган ва бир-биридан анча узоқда бўлган пунктларни бирлаштиради. Шу сабабли, аҳоли яшайдиган ҳар бир пунктда болалар боғчаси ва ясли очиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Республика Госстройи лойиҳалаш институтларидан ер ости инженерлиқ шохобчаларини лойиҳалаш ишларига ғоят жиддий қарашни талаб қилмоқи керак. Шаҳарлар, район марказлари ва аҳоли яшайдиган бошқа пунктларда бундай шохобчаларни ривожлантириш перспектив планини махсус ишлаб чиқилса, кўнгилдагидек иш бўлур эди. (Қарсаклар).

Депутат М. З. МИРЗААҲМЕДОВ нутқи

Ўзбекистон ССР коммунал хўжалик министри

Етти йиллик мобайнида Ўзбекистон шаҳарлари ва аҳоли яшайдиган жойларини қуриш ва ободонлаштириш юзасидан анчагина ишлар бажарилди. Давлат плани йўли билангина коммунал қурилишга 150 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди.

Ҳозирги вақтда, масалан, шаҳарлар ва посёлкалар 1958 йилдагига қараганда водопровод сувини уч баравар кўп олмоқда. Шаҳар хўжалигининг муҳим тармоғи бўлган канализация ҳам ривожланиб бормоқда. Етти йиллик мобайнида газ хўжалигини ривожлантиришга қариб 23 миллион сўм сарфландик.

Шу билан бирга, маҳаллий Советларнинг коммунал объектларини қуришда жиддий суратда орқада қолинаётганлигини айтиб ўтиш керак. Ўзбекистон ҳаммом-кирхона хўжалиги ва меҳмонхоналар тармоғини ривожлантиришда бошқа иттифоқдош республикалардан анча кейинда қолди. Санитария тозалаш конторалари оғир аҳволда ишламоқда. Бу хўжаликлар асосан шу ишга мослаштирилмаган ҳовлиларга жойлаб қўйилган, бу ерларда машиналарни ўрнаштириш ва асраш учун зарур бўлган шароит мутлақо йўқ.

Шаҳарларни озода сақлаш ва ифлосланишига йўл қўймаслик учун етарли миқдорда махсус машиналар бор. Яқин вақт ичида ана шу машиналарни бир ярим сменада ишлатиш масаласини ҳал қилмоқ керак, чунки Тошкентдан бошқа ҳамма шаҳарларда бу машиналар бир смена ишлатилмоқда.

Ремонт-қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш базасини вужудга келтириш ишига чинакамига киришиш ҳам лозим. Шундай қилиш керакки, ишлаб чиқариш базалари шу объектларни саноат усулида капитал ремонт қилиб бериш имкониятига эга бўлсин.

Маҳаллий Советларнинг ва республика Олий Советининг депутатлари шаҳар ва посёлкалардаги қурилишни ва коммунал-маиший хизматни яхшилашга кенг суратда қатнашмасалар, бу ишни кўнгилдагидек йўлга қўйиб бўлмайди. Депутатларнинг ёрдамига таяниб, мавжуд моддий техника ресурсларидан энг кўп даражада фойдаланиб ҳолда, Ўзбекистон коммунал хўжалиги ходимлари турмуш маданиятини юксалтириш учун курашга ўз ҳиссаларини қўшиш учун ҳамма ишларни қиладилар. (Қарсаклар).

Депутат Г. Г. СВЕТЛЕНКО нутқи

(Тошкент области)

Депутат ўртоқлар! Меҳнаткашларни шинам ва обод уй-жойлар билан таъминлаш уларнинг маданий-маиший шароитларини юксалтиришнинг энг муҳим шартидир. Етти йиллиннинг ўтган йиллари мобайнида Тошкент областидаги шаҳар ва районларда уй-жой қурилиши кенг авж олдириб юборилди. Бу давр ичида бинокорлар 118,4 миллион сўм миқдорида капитал маблағни ўзлаштирдилар, сахни 1020 минг квадрат метр уй-жой қурдилар ва фойдаланишга топширдилар.

Шу билан бирга камчиликларни ҳам тан олиш зарур. Етти йилликнинг олти йили мобайнида область бўйича 42,9 минг квадрат метр уй-жой қуриб битказилмади. Район ва шаҳар меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ана шу муҳим участкага етарли даражада раҳбарлик қилмаётганлиги уй-жой қурилиши планининг бажарилмай қолишига сабаб бўлмоқда. Қишлоқ хўжалик ва Сув хўжалиги министрликлари ҳам ишнинг ана шу муҳим участкасига кам эътибор бермоқдалар.

Қишлоқларда қурилишни яхшилаш учун давлат қурилиш трестлари ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Уларни зарур материаллар, ускуналар, механизмлар билан таъминлаш, тегишли лойиҳалаш институтларига бириктиш зарур.

Аҳоли яшайдиган пунктларни сув билан таъминлашни яхшилаш, канализацияни ривожлантириш, ҳаммомлар ва бошқа коммунал корхоналар қурилишини яхшилаш учун кўпгина ишларни амалга ошириш керак. Бизнингча шаҳарлар, район марказлари ва аҳоли яшайдиган бошқа пунктларда йўллар ва йўлкалар қурилишини Қурилиш министрлигининг ихтисослаштирилган ташкилоти — «Узтрансспецстрой»га топшириш зарур. Бундай тадбир яқин вақт ичида аҳоли яшайдиган барча пунктларда йўлларни кескин суратда яхшилаш имконини беради.

Меҳнаткашлар депутатлари область Совети, область партия комитети шаҳар ва район партия ва совет органлари билан биргаликда шаҳарлар ва район марказлари, колхоз ва совхоз посёлкаларини ободонлаштириш ва уларнинг аҳволини яхшилаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқдилар. Белгиланган тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш учун бутун куч-ғайратимизни сарфлаймиз. (Қарсаклар).

Депутат С. И. ИБРОҲИМОВ нутқи

Ўзбекистон ССР қурилиш министри

Шаҳарлар, район марказлари, шаҳар поселкалари ва аҳоли яшайдиган бошқа пунктларда қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишларини яхшилаш чоралари тўғрисидаги масала республика Олий Советининг сессиясида кўрилаётгани — халқ бахт-саодати тўғрисида партия ва ҳукумат қилаётган катта ғамхўрликнинг яна бир далилидир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда қурилиш индустриясининг қудратли базаси вужудга келтирилди. Бу эса капитал қурилиш суръатларини анча ошириш имкониятларини берди. Етти йиллик бошланганидан бери пудратчилик ишларининг ҳажми икки баравардан зиёд кўпайди, уй-жой қурилишининг ўсиш суръатлари тўрт баравар ошди. Ана шу йиллар мобайнида 180 минг ўқувчи сигадиган мактаб binolari, 28,5 минг ўринли мактабгача болалар муассасалари, 3.800 ўринли касалхона ва поликлиникалар, 19 минг киши сигадиган кинотеатр ва клублар фойдаланишга топширилди. Республика шаҳарлари ва район марказларида водопровод ва канализация шохобчаларн барпо этилиб, ишга туширилди. 1965 йил бошлангандан бери ҳам баъзи ютуқларга эришилди.

Лекин Қурилиш министрлигининг ишида аҳоли нуқсонлар кўп. Мактабгача болалар муассасалари ва соғлиқни сақлаш объектлари қуриш плани йилдан-йилга бажарилмай келади. Қишлоқ жойларидаги посёлкаларни қуриш ва ободонлаштириш кўнгилдагидек эмас. Министрлик ана шу жиддий камчиликларни йўқотиш чораларини кўрмоқда.

Қурилиш ишларининг сифати тўғрисидаги масала шу йил апрель ойида министрлик коллегиясида махсус кўриб чиқилди. Мавжуд штатлар доирасида трестлар ва қурилиш бошқармаларида сифат инспекциялари тузишга рухсат бериш республика Министрлар Советидан илтимос қилинди. Мана шу ва бошқа чоралар қурилиш сифатини анча яхшилашга имкон беради, деб ўйлайман.

Кўпгина янги қурилишлар ишчилар билан яхши таъминланмаган. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари бу масалада бинокорларга амалий ёрдам кўрсатишлари зарур.

Қурилиш министрлигининг кўп минг кишилик коллективи ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ҳамма чораларни кўради, деб Олий Советни ишонтиришга рухсат этгайсиз. (Қарсаклар).

М. ИБРОҲИМОВА нутқи

Наманган шаҳар ижроия комитетининг раиси

Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлик даражасини янада ошириш КПСС XXII съезди қабул қилган партия Программасида энг муҳим вазифалардан бири қилиб қўйилган. Мамлакатимизда, шу жумладан Ўзбекистонда шаҳар ва посёлкаларда қурилиш ва ободончилик ишларини кенг ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Сўнгги олти йил ичида Наманганда саҳни 450 минг квадрат метр бўлган йўллар ва йўлкаларга асфальт ётқизилди, қариб 200 минг квадрат метр йўлга шағал тўкилди, кўпгина дарахт кўчатлари ўтказилди, хиёбонлар ва гулзорлар барпо этилди. Шаҳарни ёритиш яхшиланмоқда, водопровод шохобчаси ва канализация линияси кенгайтирилмоқда.

Саноат корхоналари ва муассасаларнинг коллективлари, ўқувчилар — Наманган жамоатчилиги шаҳарни ободонлаштириш ва кўкламзорлаштиришда актив ёрдам бераётганлиги қўлга киритган муваффақиятларимизнинг омили бўлди. Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советининг шу йил март ойида бўлиб ўтган биринчи сессиясида Наманганни янада обод қилиш соҳасида амалга оширилади-ган катта-катта тадбирлар белгиланди. Корхона ва ташкилотларнинг ўз ёнидан сарфлайдиган маблағи билан 113 минг квадрат метрдан кўпроқ йўллар ва йўлкаларга асфальт ётқизиш, 2.100 метр узунликдаги ариқларга бетон қоплаш, пиёдалар ўтувчи бир неча кўприк солиш, кўпгина бошқа ишларни бажариш мўлжаллаб қўйилди, бу ишларнинг қиммати 300 минг сўмдан ошади.

Бизнинг шаҳримиз ям-яшил либосга бурканди. Лекин ишлар дўстимизга тобора катта эътибор билан қараяпмиз. Биз шаҳар кўчаларига чинор, эман, каштан, арғувон сингари фақат қимматли дарахт кўчатлари ўтқазишни мақсад қилиб қўйдик. Меҳнаткашлар ташаббуси билан ижроия комитети икки йилдан бери гул байрами ўтказмоқда. Наманган меҳнаткашлари ўз шаҳарлари билан фахрланадилар. Уларнинг мақсади Наманганни боғ-бўстонга айлантиришдир. (Қарсаклар).

Депутат А. У. УМАРОВ нутқи

Самарқанд шаҳар партия комитетининг биринчи секретари

Қадимий Самарқанд совет ҳокимияти йилларида ҳақиқатан ҳам навқирон шаҳар бўлиб қолди, Совет Шарқининг йирик индустриал ва маданий марказларидан бирига айланди. Самарқандда машинасозлик, химия, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати вужудга келтирилди. Бу шаҳарда университет, уч институт ва ўн тўрт ўрта махсус ўқув юрти ишлаб турибди. Уларнинг ҳаммаси шаҳарнинг қиёфасини ўзгартирди, Самарқанднинг эски ва янги шаҳар деб бўлинишига чек қўйди. Тош ётқизилмаган тор, чанг кўчалар ўрнига асфальтланган кенг магистраллар очилди, чиройли жамоат ва уй-жой binolari барпо қилинди.

Шаҳарни обод қилиш ва коммунал хўжалигини янада ривожлантириш учун ҳар йили бир неча миллион сўм сарф қилинмоқда. Транспорт хизмати кун сайин яхшиланмоқда, 20 мингга яқин квартира газ билан таъминланди. Меҳнаткашлар ўз шаҳарларини янада обод қилиш, уни боғ ва гулзорга айлантириш учун бутун кучларини сарф қилмоқдалар. Республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигги байрамига тайёрланиш даврида айниқса кўп иш қилинди. Шаҳар территориясини обод қилиш, гул ва дарахтлар ўтқазиш, ирригация шохобчаларига бетон ётқизиш учун жуда кўп шанбалик ва якшанбаликлар ўтказилди. Театр майдони қисқа вақт ичида обод қилинди ва вокзал олди майдони реконструкция қилинди.

Аммо, жуда кўп иш қилинганига қарамай, Самарқанддаги ободончилик ишлари ҳали ҳам кейинда қолмоқда. Ер ости коммуникациялари ўтказилганидан кейин шаҳарда асфальти бузилмаган кўча қолмади. Шаҳар кўчалари яхши ёритилмаётир. Алоқа министрлиги телефон шохобчаларини кенгайтиришга эътибор бермаяпти, янги уй-жой массиви ҳам обод қилинган эмас. Канализация ишлари суст олиб борилмоқда. Республикадаги тегишли ташкилотларга мурожаат қилиб, ана шу масалаларнинг ҳаммасини тезликда ҳал этиш учун ёрдам беришни, шаҳарни суперфосфат заводи посёлкаси билан боғловчи трамвай изи қурилишида кўмаклашишни сўрайман. Бу завод посёлкасида саноат ва уй-жой қурилиши кенг кўламда олиб борилмоқда. (Қарсаклар).

Депутат Н. Я. ЧУМАКОВ нутқи

«Сурхансовхозстрой» 11-трестининг бошқарувчиси

Ушбу сессиямизда шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган бошқа пунктларни қуриш ва ободонлаштиришни яхшилаш тадбирлари тўғрисида масаланинг муҳокама қилинаётганлиги бизнинг мамлакатимизда совет кишиси учун нормал турмуш шароитларини вужудга келтиришга нақадар катта аҳамият берилаётганлигини яққол кўрсатиб турибди. Бизнинг трестимиз Бешқўтон ва Шеробод массивларида ташкил этилган дастлабки тўртта пахтакор совхозда уй-жой binolari, ишлаб чиқариш ва маданий-маиший иншоотлар қурмоқда. Бундай совхозлардан жами ўн тўртта ташкил этилади ва улар ҳозир бутун Сурхондарё области бераётган миқдорда пахта етиштирадиган бўлади.

Совхозларнинг марказий қўрғонларида ва бўлимларнинг қўрғонларида водопровод ва канализация қуриш мўлжалланмоқда. Қишлоқ меҳнаткашларининг хонадонлари газ ва марказий иситиш системаси билан таъминланмоқда. Ҳар қайси уйга радио киритилмоқда. Бу совхозларда қурилиш ишлари бошлангандан буён қариб саксон минг квадрат метр уй-жой, кўпгина болалар боғчалари, мактаблар, ҳаммомлар ва бошқа иншоотлар қуриб битказилди. 38 километр узунликда бош водопровод иншооти қурилмоқда. Кўчалар ободонлаштирилмоқда, йўлкалар қурилмоқда. Куз даврида манзарали ва мевали дарахтлар кўчати ўтқазилади. Ҳозир посёлкаларда бир қаватли уйлар қурилмоқда, икки қаватли binolar эса зарурат бўлган тақдирда қурилади. Томорқа участкаларининг майдони кенгайтирилди, ҳовлиси билан қурилаётган иморатларнинг лойиҳалари тузилмоқда.

Шу билан бирга совхоз посёлкаларини қуришда кўпгина камчиликлар ва нуқсонлар бор. Совхозларни комплекс қилиб қуриш масаласига юзаки қаралмоқда. Масалан, 1-«Янгиобод» совхозини қуриш бошлангандан бери бу ерда маданий-маиший иншоотлар қуришга маблағ ажратиш мутлақо планлаштирилган эмас. Гарчи хўжаликда битта ҳам от бўлмаса ва бу ерда от боқиш эҳтимоли йўқ бўлса ҳам иккита отхона қурилди. Ҳозирги вақтда совхоздаги аҳвол тузатиб олинмоқда. Маданият ва турмуш тўғрисида биринчи навбатда ўйлаш зарур эканлиги шундан кўриниб турибди. Қўриқ ердаги қурувчилар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажариш учун барча тадбирларни кўрадилар. (Қарсаклар).

Депутат Б. Ҳ. МАЪЗУМОВ нутқи

Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри

Даволаш муассасаларининг шохобчасини кенгайтириш, профилактика тадбирлари ҳажмини кўпайтириш, аҳолига кўрсатилаётган медицина хизматининг сифатини яхшилаш соҳасида сўнгги йилларда республикада анча ишлар қилинди. Аҳоли орасида касалланишни камайтиришда жиддий ютуқларга эришилди.

Шу билан бирга халқ соғлиғини сақлашни йўлга қўйишдаги камчиликларни кўрмасдан бўлмайди. Республикада юқумли касалликларнинг камайиши сусткашлик билан бормоқда. Водопровод ва канализация қурилишига ажратиладиган капитал маблағ йилдан-йилга кўпайиб бораётган бўлса ҳам, бир қанча министрликлар, идоралар ва ижроия комитетлари аҳоли яшайдиган пунктларнинг санитария ҳолатини яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирларни ўтказишда лозим даражада собитқадамлик кўрсатмаяптилар.

Бир қанча шаҳарларда, айниқса Самарқанд билан Андижонда канализация иншоотларининг зарур комплекси бўлмаган уйларни ва, ҳатто, бутун бошлик микрорайонларни фойдаланишга қабул қилиб олишдек ярамас практика одат бўлиб қолди. Ана шу шаҳар ижрокомларининг раҳбарлари бундай бепарволик билан аҳолининг саломатлигига қандай знён етказиб қўяётганликларини билмаётганга ўхшайдилар. Ўзбекистон ССР «Госстрой»ининг шу масалада тутган позициясини ҳам тушуниб бўлмайди. Ахир айни мана шу ташкилотнинг органлари санитария органларининг рухсатини олмасдан туриб юқоридаги объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш актларини ижрокомларнинг тасдиғига ҳавола қилмоқдалар.

Канализация қуриш билан водопровод ётқизиш ўртасидаги мавжуд узилишга барҳам бериш зарур. Шунингдек, коммунал хўжалигидаги ва идораларга қарашли водопроводларни ягона системага бирлаштириб, Коммунал хўжалиги министрлиги қўлига топшириш керак. Бу эса ана шу водопровод лардан фойдаланишни тартибга солиш, аҳолини сув билан яхшироқ таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши ҳукуматнинг атмосферадаги ҳавони ва очиқ сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш хусусидаги қарорини эҳтиёт бажармаса бўлмайди. Бу — касалликларнинг олдини олишнинг бутун системасида, аҳолининг саломатлигини сақлаш учун курашда жуда муҳим омилдир.

Совет кишисининг саломатлиги ана шу ва бошқа муҳим проблемаларга боғлиқ бўлиб, бу проблемаларнинг ҳал этилиши меҳнаткашлар фаровонлигини янада ўстиришга ёрдам беради.

Аҳолига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш соҳасидаги вазифаларни муваффақиятли бажариш учун республика медицина ходимлари ўзларининг бутун куч-қувватларини, билимлари ва тажрибаларини сарфлайдилар, деб сессия қатнашчиларини ишонтиришга рухсат этгайсиз. (Қарсаклар).

Депутат М. ХУДОЙБЕРГЕНОВ нутқи

Хоразм область ижроия комитетининг раиси

Хоразм экономикасининг ривожланаётганлиги область меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини янада оширишни таъминлайди, қурилиш ва ободончилик ишлари суръатларини жадаллаштиради. Кейинги олти йил ичидагина бу областда давлат маблағлари ҳисобига қарийб 60 минг квадрат метр ҳажмида уй-жой қурилди. Қишлоқ жойларда ишчилар, хизматчилар ва колхозчилар давлат кредити билан 16 мингдан кўпроқ уй барпо этдилар. Урганч ва Хивада якка тартибда жами саҳни 117 минг квадрат метр уй қурилди. Аммо шундай бўлса ҳам, бизда қурилиш ва ободончилик ишларида ҳали катта камчиликлар бор. Областда аҳолининг уй-жой билан таъминланиши жон бошига ўрта ҳисобда атиги 5,4 квадрат метрдан тўғри келади.

Ободончилик ишларининг паст даражада бўлиши янги районлар қурилишидаги катта камчиликдир. Ўзбекистон ССР Госстройи ободончилик ишларини олиб бориш учун жуда кам маблағ ажратганлиги бунинг асосий сабабларидан биридир. Биз ана шу маблағ миқдорини оширишни республика ҳукуматидан илтимос қиламиз. Шу билан бирга водопроводлар қуриш ва канализация ўтказиш, Хоразмнинг шаҳарлари, район марказлари ва колхоз посёлкаларини электр қуввати билан таъминлашга таллуқли масалаларни ҳам ҳал этиш керак.

Хоразмнинг қишлоқ жойларида хўжаликлар бир неча аср мобайнида алоҳида-алоҳида кичик группалар бўлиб жойлашиб келган эди, бу хўжаликлар областнинг бутун территориясига тарқалган эди. Ана шу хутор системаси асосан ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Бу эса, колхозларимиздаги эски биноларнинг кўркам эмаслигига, колхозчиларнинг уй-жой билан яхши таъминланмаганлигига асосий сабабдир. Область Советининг сессияси ўтган йили декабрь ойида бу масалани қараб чиқди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, хутор системасини ўзгартириш ва колхозчилар учун ҳар йили 3 минг уй ёки ҳар бир колхозда ўрта ҳисобда 30-40 уй қуриш учун 256 миллион сўм зарур. Колхозларароқурилиш ташкилотлари, пудратга олувчи давлат ташкилотлари қурилиш-монтаж ишлари билан шуғулланадилар. Бу уйлар колхозчиларнинг ўз кучи билан ҳам қурилади. Колхозларароқурилиш ташкилотларини вужудга келтириш биринчи даражали аҳамиятга эга. (Қарсаклар).

Депутат Т. ЛАТИПОВ нутқи

Янгиер районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси

Бизнинг колхозимиз 1949—1950 йилларда Мирзачўлдаги Боёвут массивининг қақраб ётган ерларида ташкил этилди. Колхозчиларнинг фидокорона меҳнати, фан ютуқлари ва илғор тажрибадан фойдаланиш, хўжаликнинг экономикасини тўхтовсиз ўстиришни, колхозчиларнинг бахтли ҳаёт кечиришини таъминлади. Биз ўтган йили ҳар гектар ердан 32,1 центнердан пахта олдик, ҳар бир колхозчининг пул даромади эса ўрта ҳисобда 1650 сўм бўлди. Бизнинг хўжалигимиз маданий-маиший эҳтиёжлар учун ҳар йили даромаднинг 23-25 процентини бўлинмас фондга ажратиб бермоқда. Ўн йиллик мактаб, интернат, саккиз йиллик тўрт мактаб, клуб, касалхона, уч медицина пункти қурилди. Кенг экранли иккита ёзлик кинотеатр қуриб битказилмоқда. Колхозимиз территориясидаги олти қишлоқ тамомила электрлаштирилди ва радиолаштирилди. Посёлкаларда водопровод қурилди, кўчаларга асфальт ётқизилди, дала йўлларига эса шағал тўкилди.

Колхоз ташкил этилган дастлабки пайтларда муваққат типдаги уйлар қурилган эди. Бу уйлар кейинчалик колхозчиларимизнинг маданий-маиший эҳтиёжларини таъмин этолмади. 1960 йилда ўтказилган умумий йиғилиш шаҳар типидаги посёлкалар қуриш масаласини муҳокама қилди. Республика Министрлар Совети бизнинг ташаббусимизни маъқуллади. Бош планга мувофиқ, бизнинг колхозимизда қарийб ўттиз минг квадрат метр саҳни бўлган уйлардан иборат икки марказий посёлка, маданий-оқартув муассасалари учун 43 бино, 38 та ишлаб чиқариш биноси ва тўртта хўжалик биноси қурилиши керак.

Аммо қурилиш ишлари жуда қониқарсиз олиб борилмоқда. Биз қурилиш ишларининг орқада қолаётганлигига қандай қоллар сабаб бўлаётганлиги тўғрисида гапириб ўтирмаймиз. Янги посёлкалар учун колхозчиларнинг талабларини тўла қондира оладиган уй-жой лойиҳалари тайёрланган эмас. Қурилиш ташкилотлари малакали кадрлар билан таъминланмаган, уларнинг ихтиёридаги механизмлар сира ҳам етарли эмас. Республика ташкилотлари қишлоқларидаги қурилиш ишларига таллуқли энг муҳим масалаларни тез ҳал этишлари керак. (Қарсаклар).

Депутат К. НУРУМБЕТОВ нутқи

Беруний район партия комитетининг биринчи секретари

Беруний районидаги колхоз посёлкалари йилдан-йилга кўркамлашиб, тобора чиройли тус олмоқда. Меҳнаткашларнинг турмуши ва уларга маданий хизмат кўрсатиш ҳам яхшиланмоқда. Газ, электр ва бошқа коммунал қулайликлар турмушга чуқур сингиб кетмоқда. Бу йил капитал қурилиш ва аҳоли яшайдиган пунктларни ободонлаштириш ишлари анча ўюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Партия ташкилотлари ва меҳнаткашлар депутатлари Советларининг маҳаллий органлари эътиборни асосий объектларга қаратишни, куч ва маблағларни илгаригига ўхшаш ҳар ёққа сочиб юбормасликни кўзда тутиб, бир қанча қарорлар қабул қилишди. Эндиликда ҳар бир шаҳарда, аҳоли яшайдиган пунктда аввал фақат иккита-учта кўчадаги иморатлар қуриб битказилса ҳам лекин шу кўчаларни ободонлаштириш замонавий шаҳар қурилиши талабларига мувофиқ равишда олиб борилади.

Колхоз қишлоқларини ободонлаштиришга, қишлоқларда йўл қуришга киришган Самарқанд области меҳнаткашларининг ташаббуси республикада кенгроқ қўллаб-қувватланмоқда. Масалан, Беруний районида кўп хўжаликлар самарқандликлардан ўрнак олиб, колхоз ва совхозларнинг марказий қўрғонларига олиб борувчи шох йўллар чиқариб қўйди. Район колхозларининг кучи билан жамоатчилик асосида аэропорт билан район маркази ўртасида катта тош йўл қурилди.

Бинокорлик ишини ўюштиришда бир қанча ғовлар бор. Мана шу ғовлар бўлмаганида Қорақалпоғистонда ободончилик миқёслари ва капитал қурилиш ҳажми бундан ҳам катталашиб кетган бўлур эди. Кўпгина қурилиш ташкилотларининг мустаҳкам индустриал базаси, зарур техникаси ва мутахассислари йўқ. Қурилиш ташкилотларининг тарқоқлиги ва камқувватлиги уй-жой қуриш суръатларини бўшаштириб юбормоқда. Автоном республика ҳозир бинокорлик материалларидан жуда қийналиб қолди. Уни ана шундай материаллар билан таъминлаш масаласини сира кечиктирмай ҳал қилиш керак. Бундай материаллар ҳозир кенг кўламда авж олиб кетган якка тартибдаги қурилишлар учун ҳам зарур. (Қарсаклар).

С. Т. ТЎХТАХЎЖАЕВ нутқи

Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги кенгаши Бинокорлик материаллари саноати бошқармасининг бошлиғи

Қурилишнинг индустриал базаси вужудга келтирилганлиги туфайли, сўнгги йилларда капитал қурилишда муваффақиятларга эришилди. Бинокорлик индустриясининг етакчи тармоқларидан бири — цемент саноати етти йиллик мобайнида анча ривож топди. Цемент ишлаб чиқариш ҳажми беш баравар кўпайди, меҳнат унумдорлиги икки баравар ошди, маҳсулотнинг таннархи ҳам икки баравар камайди. Республика халқ хўжалигига зарур бўлган ҳамма турдаги цементни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Асбоцемент саноати анчагина ривожланди, бу тармоқнинг маҳсулоти 1960 йилдагига қараганда бир ярим баравардан зиёд кўпайди. Уй қуриш учун керакли буюмлар ишлаб чиқарувчи заводлар қурилди. Сўнгги йилларда республикада янги минерал пахта, шиша толаси, гипс тахталар ва уларнинг негизида керамзит, пардозлашда ишлатиладиган турли керамика маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу буюмлардан капитал қурилишда муваффақиятли фойдаланилмоқда. Оҳангаронда конструкция шифери цехларини ишга туширишда, Ангренда керамика буюмлари заводини юргизиб юбориш мўлжалланмоқда. Оҳангарон каолинларини саралаш фабрикасч қурилади.

Кейинги вақтларда деворбоп материаллар ишлаб чиқаришдаги қолоқликни тугатишга қаратилган чоралар белгиланди. Ана шу программанинг бажарилиши ўзларига боғлиқ бўлган республикадаги барча ташкилотларга мурожаат қилиб, уни амалга оширишда бизга ёрдам беришларини илтимос қиламиз.

Олий Советни ишонтириб айтаманки, бинокорлик материаллари саноати корхоналарининг коллективлари қурилишни зарур материаллар билан таъминлаш учун бутун куч-ғайратларини ишга солади-лар. (Қарсаклар).

Ш. ШАРОПОВ нутқи

Ғиждувон район ижроия комитетининг раиси

Бухоро областининг меҳнаткашлари капитал, уй-жой, коммунал ва маданий-маиший қурилиш соҳасида катта иш қилдилар. Етти йиллик бошланганидан бери давлатнинг капитал маблағлари ҳисобидан Бухоро ва Когонда, областдаги район марказлари ва ишчи посёлкаларида 258 минг квадрат метр уй-жой, 5800 ўқувчи сигадиган мактаблар, болалар боғчалари, яслилари, кинотеатрлар қуриб олинди. Аҳоли яшайдиган пунктларни газлаштириш ва сув билан таъминлаш борасида катта-катта ишлар қилинди. Давлат бюджетида ана шу мақсадларга 3661,5 минг сўм сарфлаш планлаштирилган бўлса, ҳақиқатда 4956,6 минг сўмлик иш қилиниб, план 135 процент бажарилди.

Областдаги партия ва совет органлари корхона ва ташкилотларни ободончилик ишларига кенг жалб қилмоқдалар. Ўтган йилнинг ўзида корхона ва ташкилотларнинг кучи билан 878 минг сўмлик иш бажарилди. 193 марта якшанбалик ўтказилиб, унда 55 мингга яқин киши қатнашди.

Ҳозир областда шаҳарларни ва аҳоли яшайдиган бошқа пунктларни янада ободонлаштириш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Алоҳида-алоҳида қўраларда яшаш тартибига барҳам берила бошлади. Колхозларароқурилиш ташкилотлари ва ремонт-қурилиш участкалари қишлоқлардаги қурилиш ишларида катта роль ўйнамоқда. Бироқ, улар транспорт ва механизмлар билан мутлақо етарли таъминланган эмас. Шунинг натижасида иш кўпроқ қўлда бажарилаётгани учун ишнинг унуми ва сифати паст бўлмоқда. Республика ташкилотлари уларга амалий жиҳатдан зарур ёрдам кўрсатишлари керак. Яна бир илтимос шуки, районимиз марказини газлаштириш масаласи ҳал қилиб берилса эди, ёнимиздан Бухоро—Тошкент газ қувури трассаси ўтган-ку. (Қарсаклар).

И. К. ЗЕМСКИЙ нутқи

«Узглавколхозстрой» бошлиғининг биринчи ўринбосари

Колхозларароқурилиш ташкилотлари яқин беш йил ичида республика қишлоқ хўжалик артелларида 600 миллион сўмликдан кўпроқ ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини бажаради. Маданий-маиший ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган минглаб binolar ҳамда иншоотлар фойдаланишга топширилади. Уй-жой қурилишини, айниқса, кенг миқёсда олиб бориш мўлжаллаб қўйилди. Бу ишларнинг ҳаммаси колхоз посёлкаларининг ташқи қиёфасини ўзгартириб юборади. Иморат ва иншоотларни комплекс қуриш колхозчилар турмушини коммунал хизматлар билан таъминлаш масалаларини ҳал қилишга, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларни йўқотишга имкон беради.

Республикадаги колхозларароқурилиш ташкилотлари ходимларининг кўп минг кишилик коллективи ишда баъзи ижобий натижаларга эришди. Уй-жойларни фойдаланишга топшириш плани 1 майгача бажарилди, Чорвачилик биноларини фойдаланишга топшириш плани уч ҳисса ошириб адо этилди. Колхозларда бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми бир ярим баравар ошди.

Ўнлаб комплекс ишчи бригадалари аъло даражада меҳнат қилмоқда. Қурилишларни моддий техника воситалари билан таъминлаш анча яхшиланди, муҳим ташкилий вазифалар ҳал қилинди, колхозларароқурилиш ташкилотлари ва корхоналарининг фаолияти устидан контроллик кучайтирилди.

Айни маҳалда колхозларароқурилиш ташкилотларининг фаолиятида каттагина камчиликлар содир бўлмоқда, плани оператив чиқиб билан тузиш йўлга қўйилмаган, ишларни бажаришнинг техника шартлари бузилмоқда, ишлаб чиқариш базаси етарли даражада ривожлантирилмаган. Ишлаб чиқаришни яхшироқ ташкил этиш, қурилиш ишлари сифатини кескин ошириш, техникадан унумлироқ фойдаланиш учун ҳали кўп иш қилиш керак.

«Узглавколхозстрой» ташкилотлари ва корхоналарининг коллективи ишларнинг ҳажми бўйича ҳам, қурилаётган объектларни фойдаланишга топшириш бўйича ҳам белгиланган планларни бажариш ҳамда келгуси беш йилликда иш кўламини янада кенгайтириб юборишга зарур шарт-шароит яратиш учун бутун куч-қувватларини сарфлайдилар. (Қарсаклар).

Депутат В. М. БЕЛДЯНОВ нутқи

Славянск пахта заводининг смена мастери

Заводимизнинг коллективи ишлаб чиқариш топшириқларини муваффақиятли бажармоқда. Бу заводда ишчиларнинг самарали меҳнат қилиши ва яхши дам олиши учун зарур шароитлар вужудга келтирилди. Заводда икки клуб, 90 ўринли болалар боғчаси, уч магазин бор. Ишчилар корхонанинг ўзида сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш имкониятига эга. Медицина пункти кундузи ҳам, кечаси ҳам ишлаб турибди.

Пахтаорол области меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги йил сайин юксалиб бормоқ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ V СЕССИЯСИ

Ўзбекистон ССР 1964 йилги Давлат бюджетининг бажарилиши тўғрисида

Ўзбекистон ССР молия министри депутат В. М. МУРОДХЎЖАЕВ доклади

Депутат ўртоқлар! Коммунистик партия ва Совет ҳукумати КПСС XX, XXI ва XXII съездлари ишлаб чиққан бош йўлни оғишмай амалга ошира бориб, мамлакат экономикаси ва маданиятини ривожлантиришнинг туб масалаларини муваффақиятли ҳал этмоқдалар, меҳнаткашларнинг куч-ғайратини коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини бажаришга сафарбар қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленуми коммунистик жамият қуриш учун курашда муҳим босқич бўлди. Бу Пленумнинг социалистик хўжалик тараққиёти иқтисодий қонунлари талабларига илмий тарзда асосланган қарорларини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш юзасидан Пленум маъқуллаган катта тадбирларни партия ва халқ яқдиллик билан қўллаб-қувватлади. Мамлакат экономикасини тўхтовсиз юксалтириш манфаатлари, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш манфаатлари тақозо этган бу қарорлар совет кишиларига яқин ва тушунарлидир. Бу қарорлар муваффақиятли суратда амалга оширилмоқда. Совет халқи ўтган йили Коммунистик партия раҳбарлигида ижтимоий ишлаб чиқариш, маданият ва фаннинг ҳамма соҳаларида янгидан-янги муваффақиятларга эришди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш ишига муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар етти йилликнинг олтинчи йили, республиканинг шонли юбилейи йилини ажойиб ғалабалар билан нишонладилар. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш, пахта ва бошқа қўпгина қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш, чакана товар обороти соҳасида давлат планлари анча ошириб бажарилди. Асосий фондларни ишга солиш ва капитал маблағлар ҳажми 1963 йилдагига нисбатан анча ортди. Маориф ва соғлиқни сақлаш соҳасида янги муваффақиятлар қўлга киритилди, халқнинг моддий фаровонлиги ўсди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари 1965 йилда ҳам муайян муваффақиятларга эришдилар. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш тўрт ойлик плани ва меҳнат унумдорлигини ошириш плани ортиғи билан бажарилди, товар обороти плани бажарилди. Сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш 1964 йилнинг январь-апрелига нисбатан кўпайди, капитал маблағлар ҳажми ва ишга туширилган асосий фондлар ортди.

Буларнинг ҳаммаси Давлат бюджетини муваффақиятли бажариш учун иқтисодий негиз вужудга келтирди. Ўзбекистон ССР Олий Совети етти йилликнинг олтинчи йилида Ўзбекистон олдига қўйилган вазифаларга мувофиқ, республиканинг 1964 йилги Давлат бюджетини даромадлар бўйича 1606720 минг сўм ва харажатлар бўйича 1603824 минг сўм миқдорида ва даромадлар харажатлардан 2896 минг сўм ошган ҳолда тасдиқлади.

Давлат бюджетини бажариш жараёнида, Иттифоқ ҳукумати ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорларига мувофиқ бу бюджет аниқлаб чиқилди ва даромадлар харажатлардан 2262 минг сўм ошгани ҳолда, даромадлар бўйича 1741370 минг сўмни ва харажатлар бўйича 1739108 минг сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети тасдиқлаган Давлат бюджети 1964 йилда даромадлар бўйича 111,6 процент, аниқлаб чиқилган план эса 103 процент бажарилди. Бюджетга пландан ташқари 52306 минг сўм даромад олинди.

Бу эса халқ хўжалигини ривожлантириш планида кўзда тутилган барча тадбирларни, шунингдек, баъзи қўшимча тадбирларни ўз вақтида ва тўла маблағ билан таъминлаш имконини берди.

Шу нарсани мамнуният билан қайд қилиб ўтиш керакки, ўтган йили барча областлар, Қорақалпоғистон АССР, Тошкент шаҳри, республикадаги 108 район ва шаҳарларнинг ҳаммаси бюджетларнинг даромад қисмини бажарди. 1965 йилнинг 4 ойи мобайнида бюджетнинг даромадлар плани 102,6 процент бажарилди, пландан ташқари 15930 минг сўм пул тушди, даромадлар планини сифат жиҳатидан анча яхши бажаришга эришилди.

Оборотдан олинадиган солиқ ва давлат корхоналари ҳамда ташкилотларининг фойдаларидан ажратмалар республика бюджетининг даромад қисмида асосий ўринни эгаллайди. Булардан келган тушумлар 1964 йилда 1254414 минг сўмни ёки даромадларнинг умумий суммасига нисбатан 70 процентни ташкил этди. Оборот солиғидан тушумлар плани 101,8 процент бажарилди.

Шу билан бирга оборотдан олинадиган солиқ плани саккиз соҳа бўйича 5451 минг сўм миқдорида бажарилмай қолди. Савдо министрлиги, Халқ хўжалиги кенгаши корхоналари ва ташкилотлари, «Узглавнефтеснабсбит», Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бош бошқармаси шулар жумласидандир.

Шу йилнинг январь-февраль ойларида баъзи тармоқларда, шу жумладан трикотаж саноати, спирт ва ликёр-арақ саноати, нефть, балиқ, пойафзал саноати, жами ўн тармоқ бўйича оборот солиғи тушумлари плани 7618 минг сўм миқдорида бажарилмай қолди.

Бу йил товарлар ишлаб чиқариш, уларни жойларга етказиб бериш ва реализация қилиш планларини сўзсиз бажаришга эътибор бериш ҳамда шу асосда оборотдан олиналиган солиқ планининг ҳар бир соҳада бажарилишини таъминлаш керак.

1964 йилда фойдадан ажратмалар плани умуман 104 процент бажарилгани ҳолда, айрим министрликлар ва бошқармалар бюджетга ўз фойдаларидан 4733 минг сўм, Халқ хўжалиги кенгашининг соҳалар бўйича иш кўрувчи баъзи бошқармалари эса 6393 минг сўм ажратиб бермадилар.

1964 йилда фойдалардан ажратма шаклида тушган 410 миллион сўмнинг 240 миллион сўми Халқ хўжалиги кенгаши корхоналари ва ташкилотлари ҳиссасига тўғри келди. Халқ хўжалиги кенгашининг корхоналари ўтган йили маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ошириш планларини орттириб бажардилар, маҳсулотнинг таннархини камайтириш соҳасида планда кўрсатилганидан ортиқ маблағ тежалди, бюджет олдида олинган мажбуриятлар ҳам ошириб бажарилди. Аммо, мавжуд резервлардан тўла фойдаланилганда бундан ҳам кўпроқ натижаларга эришиш мумкин бўлур эди.

Ваҳолонки, Халқ хўжалиги кенгаши системасида қониқарсиз ишлаётган корхоналар ҳали кўп. Ўтган йили 23 корхона ишлаб чиқариш планларини ўдалай олмади, 40 корхона меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан берилган топшириқларни бажармади, 68 корхона маҳсулот таннархининг қимматлашиб кетишига йўл қўйди, 113 корхона жамғариш планларини бажармади ва пландан ташқари 33,4 миллион сўм зарар кўрди.

Халқ хўжалиги кенгашининг баъзи корхоналарида давлат маблағларини тежаб сарф қилиш учун кураш олиб борилмаётир, кўп нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда. 1964 йилда бу корхоналарда ўринсиз харажатлар 10,5 миллион сўмни ташкил этди ва планда кўрсатилганига қараганда беш миллион сўмлик нобудгарчиликка йўл қўйилди. Брак орқасида ҳам нобудгарчилик катта. Бунинг натижасида Халқ хўжалиги кенгаши жамғариш планини 5,3 миллион сўм миқдорида бажара олмай қолди.

Айрим завод ва фабрикаларнинг қолоқлигига барҳам бериш, барча корхоналарнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича планларни бажаришларини таъминлаш — Халқ хўжалиги кенгашининг энг муҳим вазифасидир. Бу — ишлаб чиқаришни юксалтириш, таннархни камайтириш, жамғармаларни ва бюджет даромадларини кўпайтиришнинг асосий резервидир.

Ихтисослаштирилган совхозлар давлат ишлаб чиқариш комитети, консерва ва виночилик саноати бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини қониқарсиз бажардилар. Улар фойдалардан ажратма тар планини 3120 минг сўм ёки 15 процент миқдорида бажармадилар.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми бутун партиянинг, бутун совет халқининг куч-ғайрати колхоз-совхоз ишлаб чиқаришини юксалтиришга сафарбар қилиниши лозим, деб таъкидлади. Бир қанча энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари асосий харид нархларининг анча оширилганлиги колхоз ва совхозларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш соҳасидаги муҳим тадбирдир. Республикадаги колхоз ва совхозлар дон ва гўшт нархининг оширилиши натижасидагина қўшимча равишда йилига тахминан 40 миллион сўм олдилар.

Март Пленумининг қарорларига мувофиқ, қишлоқ хўжалик артелларига даромад солиғи солишда янги тартиб белгиланди. 1966 йил 1 январдан бошлаб даромад солиғи ялпи даромаддан эмас, балки соф даромаддан олинади. Республикамиздаги колхозлар бунинг натижасида йилига қарийб 50 миллион сўм наф кўрадилар.

Пленумнинг қарорларига мувофиқ, Давлат банки берган қарзлар боқимондаларининг талайгина қисми ва машина-трактор станциялари ҳамда ремонт-техника станцияларидан сотиб олинган техника учун тўланмай қолган маблағларнинг анча қисми колхозлар зиммасидан соқит қилинади. Бу чора ҳам партия ва давлатнинг қишлоқ меҳнаткашлари тўғрисида зўр ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатади. Ўзбекистон ССРда Давлат банки берган қарзлар юзасидангина 28,3 миллион сўм колхозлар зиммасидан соқит қилинади.

Республикада кўрилган тадбирлар натижасида Қишлоқ хўжалик министрлигининг совхозлари 1964 йилда ўз ишларида, бирмунча муваффақият қозондилар. Улар давлатга пахта топшириш планини 108,9 процент бажардилар. 1963 йилдагига нисбатан дон, гўшт, қорақўл тери кўпроқ тайёрланди.

Шу билан бирга совхозларнинг ишида ҳали камчиликлар кўп. Улар ўтган йили кўп миқдорда чорвачилик маҳсулотлари етказиб бера олмадилар. Кўп совхозлар моддий ва пул маблағларини исроф қилмоқдалар, маҳсулотнинг таннархини қимматлаштириб юбормоқдалар ва жамғариш планларини бажармаётирлар. Қишлоқ хўжалик министрлигининг совхозлари, шу жумладан қўйчилик совхозлари ўтган йили 24,4 миллион сўм фойда ололмай қолди, улар жамғариш планини атиги 32 процент бажардилар. Совхозлар бюджет олдидаги мажбуриятларини 3,1 миллион сўм миқдорида бажармай қолдилар.

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларида кўзда тутилган иқтисодий тадбирларнинг амалга оширилиши колхоз ва совхозларнинг экономикасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, бу маҳсулотларнинг таннархини камайтириш ва ишлаб чиқаришдаги барча тармоқларнинг рентабель бўлишини таъминлаш учун бутун шарт-шароитни вужудга келтиради.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бош бошқармаси ўтган йили аҳолига маиший хизмат кўрсатиш юзасидан берилган топшириқларни ва ишлаб чиқариш программасини муваффақиятли адо қилди. Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 1963 йилдагига нисбатан 25 процент ортди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва таннархни камайтириш планлари ҳам бажарилди. Аммо, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бош бошқармаси системасида рентабелликни ошириш, жамғармаларни ва бюджетга тўловларни ошириш учун мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаётир. Бу бошқарма ўтган йили жамғариш планини 1310 минг сўм миқдорида, бюджет олдидаги мажбуриятларини эса 210 минг сўм миқдорида бажара олмай қолди.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда кино жуда катта роль ўйнайди. Кино кишиларга ғоявий таъсир кўрсатишнинг қудратли воситасидир. Афсуски, Кинематография Давлат комитети аҳолининг ўсиб бораётган талабларини ҳали тўла қондирмаётир. Кино шохобчаларининг молиявий иш натижалари ҳам кўнгилдагидек эмас. Кино шохобчалари ялпи тушум планини 1863 минг сўм миқдорида бажармади. Эксплуатацион харажатларга ортиқча маблағ сарф қилинишига йўл қўйилди. Бунинг натижасида кино шохобчалари жамғариш планини атиги 31,6 процент бажардилар, планда кўрсатилганидан 926 минг сўм кам фойда олинди ва давлат олдидаги мажбуриятларнинг бажарилиши таъминланмади.

Шу йилнинг тўрт ойи мобайнида фойдалардан ажратмалар плани 101,8 процент бажарилди. Планга мувофиқ 123498 минг сўм ажратиб берилиши керак эди, аслида 125703 минг сўм ёки 2205 минг сўм ортиқ маблағ олинди. Лекин Халқ хўжалиги кенгаши планни атиги 97,5 процент, Қурилиш министрлиги 92,5 процент, Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги 82,5 процент бажарди.

Фойда олиш планларининг бажарилмаганлиги, планда кўрсатилганидан ортиқ зарар кўрилганлиги, ўринсиз харажатларнинг кўплиги, шунингдек хўжасизлик натижасида Халқ хўжалиги кенгаши, республикадаги министрликлар ва бошқармаларнинг кўпгина корхоналари ва хўжалик ташкилотлари ўтган йили ўз оборот маблағларининг 70 миллион сўм миқдорида камайиб кетишига йўл қўйдилар.

Ваҳолонки ўз оборот маблағларини сақлаш ва улардан тўғри фойдаланиш халқ хўжалиги учун муҳим проблемадир. Бу эса хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашни, корхоналар ва хўжалик ташкилотлари раҳбарларининг давлат нуқтаи назаридан муҳим бўлган эна шу ишга эътиборни кучайтиришларини талаб этади.

Хўжаликнинг ички резервларини қидириб топиш ва сафарбар қилишда, сўм билан контроль қилишда молия органлари муҳим роль ўйнайдилар. Молия органлари ўтган йили саноат корхоналарида, совхоз, колхозларда, савдо-сотиқ, қурилиш ташкилотлари ва бошқа ташкилотларда неча юзлаб текшириш ўтказдилар. Бюджет муассасаларида, қишлоқ ва посёлка Советларида, 16 мингдан ортиқ текшириш ўтказилди.

Аналитик ишлар аввалги йиллардагига нисбатан яхшироқ уюштирилди. Бунинг натижасида 27,8 миллион сўм миқдорида харажатларни қисқартириш ва бюджет даромадларини кўпайтириш резерви, шунингдек хўжалик органларининг 13,7 миллион сўмлик ички ресурслари борлиги аниқланди. Бу ресурслар ўз оборот маблағларининг етишмай қолган қисмини қоплашга сарфланди. Молия министрлиги иқтисодий ишларни янада кучайтириш чораларини кўрмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Совети тасдиқлаган давлат бюджетининг харажатлар қисми 1964 йилда 107,4 процент бажарилди. Аниқлаб чиқилган планга нисбатан харажатлар 99 процентни ташкил этди. Халқ хўжалигига 786548 минг сўм ва социал-маданий чораларга 791771 минг сўм, жами 1578319 минг сўм, ёки бюджетдаги харажатлар умумий суммасининг 91,6 проценти сарф қилинди.

Капитал қурилиш — коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш йўлидаги умумхалқ курашининг энг муҳим соҳаларидан биридир. Ўтган йили капитал қурилишга бюджетдан 534 миллион сўм сарф қилинди. Бу маблағ капитал қурилиш ишларининг катта программасини пул билан таъминлаш имконини берди.

1964 йилнинг бир ўзидагина 688 миллион сўмлик асосий фондлар ишга солинди. Бу 1963 йилдагига нисбатан 110 процентни ташкил этади. Ажратилган капитал маблағлар ҳажми 1963 йилдагига нисбатан 23 процент ортди ва 829 миллион сўмни ташкил этди.

Ўтган йили республикада химия, нефть, газ, энергетика саноати, бинокорлик материаллари саноати, енгил саноат ва озиқ-овқат саноатида йирик ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Ўзбекистон ССРнинг меҳнаткашлари 1964 йилда 1 миллион 207 минг квадрат метр янги уй-жой олдилар.

Етти йилликнинг олти йили мобайнида 3400 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланди. Бу — ана шу давр учун етти йиллик планда планлаштирилган капитал маблағ миқдорининг 116 процентини ташкил этади. Ўтган йили сарфланган капитал маблағлар миқдори 1958 йилдагига нисбатан 2,5 баравардан зиёд ортди.

Аммо, бу ишда ҳали камчиликлар кўп. Республикада капитал маблағларнинг сочиб юборилишига йўл қўйилмоқда, капитал қурилиш плани ва асосий фондларни ишга туширш плани бажарилмаётир, битказилмаган қурилишлар ҳажми ортиб бормоқда, ўрнатилмаган машина-ускуналар миқдори ортиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси давлатга катта зарар етказади.

Ўзбекистонда сув хўжалиги қурилиши соҳасида ҳар йили кўп иш қилинмоқда. Етти йилликнинг кейинги 6 йили ичида шу мақсад учун Сув хўжалиги министрлиги йўли билан 440 миллион сўм ажратилди. Лекин, ирригация ва мелиорация ишлари учун ажратилган маблағлардан етарли даражада самарали фойдаланилмаётир. Моддий техника ресурслари ва пул маблағларини энг муҳим иншоотларга сарфлаш ва бу билан асосий фондларни ишга солиш планининг бажарилишини таъминлаш ҳамда янги ерларни тайёрлаш зарур.

Республикада фойдалардан келадиган тушумлар плани, амортизация ва хўжалик органларининг ўз маблағларидан келадиган ҳамда капитал қурилишга пул ажратиш учун мўлжалланган тушумлар плани қониқарли бажарилмаётир. Ўтган йили республика ташкилотлари ана шу маблағлардан 14,6 миллион сўм беролмай қолди. Шу жумладан, Халқ хўжалиги кенгаши 8,1 миллион сўм, Сув хўжалиги министрлиги ва «Узглавводстрой» 3 миллион сўм беролмай қолди.

1965 йилнинг январь-апрель ойлари мобайнида ташкилотларнинг ўз маблағларидан капитал қурилишга пул ажратиш учун 13,2 миллион сўм етказиб берилмади, шу жумладан Қишлоқ хўжалик министрлиги 5,5 миллион сўм, Сув хўжалиги министрлиги 1 миллион сўм, Халқ хўжалиги кенгаши 0,8 миллион сўм, Қурилиш министрлиги 0,8 миллион сўм, Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги 0,9 миллион сўм бермади.

Қурилишдаги ички ресурсларни сафарбар қилиш юзасидан берилган топшириқларнинг бажарилиши ҳам кўнгилдагидек эмас. 1964 йил планида оборот активларини 0,7 миллион сўм камайтириш кўзда тутилган эди, ҳақиқатда эса оборот активлари 15 миллион сўм ортди.

Халқ хўжалиги кенгаши, министрликлар, давлат комитетлари, бошқармалар, меҳнаткашлар депутатлари Советлари ижроия комитетлари қурилиш ишларини тўғри ташкил этиш масалаларига эътиборни кучайтиришлари, қурилишни жадаллаштириш ва арзонлаштириш, ташкилотларнинг ўз маблағларидан пул ажратиш планларини бажаришни таъминлаш чораларини кўришлари лозим. Қурилиш банки ва Давлат банки муассасалари қурилишдаги ишларнинг аҳволини яхши контроль қилишлари керак.

Ўзбекистон ССР Давлат бюджети даромад қисмининг бажарилиши, бюджетдан ажратиладиган маблағлардан энг самарали фойдаланиш маҳаллий органларнинг ишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Областларнинг, Тошкент шаҳрининг ва Қорақалпоғистон АССРнинг маҳаллий бюджетлари 1964 йилда даромадлар бўйича умуман 102,4 процент ва харажатлар бўйича 98,4 процент бажарилди.

Ўтган йили халқ хўжалиги ва социал маданий тадбирларга пул чиқариш учун маҳаллий бюджетлардан 607932 минг сўм, ёки жами харажатларнинг 91,9 проценти сарфланди.

Баъзи областларда капитал маблағ ажратиш планлари қониқарсиз бажарилди. Андижон областида бу план 90 процент, Қашқадарё областида 89 процент, Сирдарё областида 85 процент, Сурхондарё областида 80 процент ва Бухоро областида 74 процент бажарилди.

1964 йилда социал-маданий тадбирларни пул билан таъминлаш учун маҳаллий бюджетлардан ажратилган маблағлардан етарли фойдаланилмади. Маориф ишлари соҳасида бу маблағларнинг 98,1 проценти ва соғлиқни сақлаш ишлари соҳасида 98,5 проценти ўзлаштирилди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, меҳнаткашлар депутатлари Советлари ижроия комитетлари социал-маданий тадбирларни пул билан таъминлаш учун бюджетдан ажратилган маблағлардан тўғри фойдаланиш масалаларига эътиборни кучайтиришлари, капитал маблағ ажратиш планларининг, мактаб, касалхона, ясли ва боғчалар ҳамда бошқа муассасалар шохобчаларини кенгайтириш планларининг бажарилишини доим кузатиб туришлари лозим. Маориф министрлиги ва Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳам бу масалаларга катта эътибор беришлари лозим.

Коммунистик партиямиз ва ҳукуматимизнинг бутун фаолияти совет халқининг бахт-саодати тўғрисида ленинча ғамхўрлик қилиш руҳи билан суғорилган. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1965 йилги планида меҳнаткашларнинг фаровонлигини ўстириш суръатларини анча жадаллаштириш кўзда тутилган.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, 1965 йил 25 апрелдан бошлаб кўпгина саноат товарларининг давлат чакана нархлари камайтирилди ва қишлоқ жойларда сотиладиган баъзи товарларнинг устама чакана нархлари бекор қилинди.

Саноат, соғлиқни сақлаш, уйжой ва коммунал хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш, давлат ва хўжалик бошқармаси маҳаллий органлари ходимларининг ва халқ хўжалигининг аҳолига бевосита хизмат кўрсатадиган бошқа тармоқлари ходимларининг иш ҳақини ошириш ва иш ҳақининг минимал миқдорини кўпайтириш тўғрисидаги қонун амалга оширилиши натижасида республиканинг мазкур тармоқларидаги ходимлар 1965 йилда қўшимча равишда 111 миллион сўм оладилар.

Коммунистик қурилиш ривожлана бориши билан халқимизнинг ҳаётида ижтимоий истеъмол фондлари тобора катта аҳамиятга эга бўлади. Бунинг маъноси шуки, бизда бепул ўқитиш ва соғлиқни сақлаш, болалар боғчалари ва ясли-ларини таъминлаш, пенсиялар тўлаш, шунингдек меҳнаткашларнинг дам олиши учун тобора кўп маблағ сарф қилинади.

Республиканинг 1965 йилги бюджетида социал-маданий тадбирларни пул билан таъминлаш учун 923 миллион сўм ажратиш кўзда тутилган. Бу 1964 йилдагига нисбатан 132 миллион сўм ёки 16,6 процент ортиқдир.

Колхозчиларни пенсия билан таъминлаш тўғрисидаги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистонда 1965 йилда қарийб 370 минг колхозчи 69 миллион сўмлик пенсия ва нафақа олади.

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорлари мамлакатимизнинг ҳаёти учун иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга. Халқ хўжалиги тараққиётида янги, тўғри пропорцияларнинг вужудга келтирилиши ва шу асосда коммунистик қурилиш суръатларини жадаллаштириш, халқнинг моддий фаровонлигини ошириш қишлоқ хўжалигининг бундан буён қандай ривожланиб боришига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети май Пленумининг қарорларида кўзда тутилган иқтисодий тадбирларни амалга ошириш учун давлат маблағларини қўшимча равишда кўп миқдорда сарфлаш зарурати туғилади.

Бизда қўшимча маблағларни сафарбар қилмоқ учун ишлаб чиқаришни ривожлантириш, таннархни камайтириш ва жамғармаларни кўпайтиришда жуда катта резервлар бор. Бу резервлардан тўла фойдаланиш, хўжаликни янада яхши бошқариб бориш, маблағларни кам сарфлаган ҳолда, яхшироқ натижаларга эришиш керак.

Биз етти йилликнинг тугалловчи йили бўлган 1965 йилда партия ва ҳукумат қарорлари республикамиз олдига қўйган буюк халқ хўжалик вазифаларини амалий суратда ҳал этишимиз лозим. Ўзбекистон меҳнаткашлари бу вазифаларни шараф билан бажарадилар ва бу билан мамлакатимизда коммунизм қурилиши ишига муносиб ҳиссаларини қўшадилар. Бунга шак-шубҳа йўқ. **(Қарсаклар).**

Ўзбекистон ССР 1964 йилги ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Бюджет комиссиясининг раиси депутат Ғ. Ғ. ЮСУПОВнинг қўшимча доклади

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Бюджет комиссияси 1964 йилги республика Давлат бюджети ижросининг якунларини қараб чиқди. Комиссия Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг совхозларнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги, Халқ хўжалиги кенгаши Егочсозлик саноати бошқармасининг ўз қўл остидаги корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг бюджет маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ва Бухоро область ижроия комитетининг область маҳаллий бюджетининг ижроси ҳақидаги ҳисоботларини ўз мажлисларида муҳокама қилди.

1964 йилда Давлат бюджети даромадларининг аниқлаб олинган плани 103 процент бажарилди, шу билан бирга, ҳамма областлар, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳри бюджет даромад қисмининг бажарилишини таъминлади. Бу эса халқ хўжалик планида ва бюджетда мўлжалланган ҳамма тадбирлари, шунингдек халқ хўжалигидаги қўшимча тадбирларни маблағ билан ўз вақтида ва тўлиқ таъминлаб туриш имкониятини берди.

Бироқ, бундан аввалги йилларда бўлганидек, 1964 йилда ҳам республика халқ хўжалигидаги бор резервлардан ишлаб чиқаришни ўстириш, рентабелликни ошириш, республика Давлат бюджетининг даромадларини кўпайтириш учун мутлако тўлиқ фойдаланилмади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, таннархни камайтириш, жамғарма тўплаш планларини бажармаётган корхоналар республикада ҳали ҳам оз эмас.

1964 йилда Халқ хўжалиги кенгашининг 68 та корхонаси, яъни ҳамма корхоналарнинг қарийб бешдан бир қисми ишлаб чиқариш чиқимлари учун 15,4 миллион сўмни, шу жумладан пахта саноатидаги 17 корхона 6,2 миллион сўмни ортиқча сарфлаб юборишга йўл қўйди. Кўпгина совхозлар далачилик ва чорвачилик маҳсулотларининг таннархини қимматлаштириб юборди. Совхозлар жамғарма тўплаш планини 24,4 миллион сўм кам бажарди, бюджетдан 3,1 миллион сўм қарздор бўлиб қолди. 1965 йил биринчи январигача ўз ички оборот маблағларининг камомати 25,6 миллион сўмга етди. Пландан ташқари қарийб 7 миллион сўм зарар кўрган Қорақалпоғистон АССР совхозлари йилни айниқса ёмон якунлади.

Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш учун, ишлаб чиқариш чиқимларини бутун чоралар билан камайтириш учун кураш кучайтириб юборилган тақдирдагина, КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларига мувофиқ амалга оширилаётган муҳим иқтисодий чоралар совхоз ишлаб чиқаришининг рентабеллилигини оширишни таъмин этиши мумкин, буни Қишлоқ хўжалик министрлигининг раҳбарлари тушуниб олишлари керак.

Халқ хўжалиги кенгашига қарашли ёғочсозлик корхоналарининг фаолиятида жиддий камчиликлар бор. Буюмларнинг сифати пастлиги орқасида ана шу корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотнинг бозори касод бўлиб қолмоқда. Аслини олганда, ёғочсозлик корхоналарининг кўпи истеъмолчининг талабини қондириш учун эмас, балки омборни тўлдириш учун ишламоқда. Маҳсулот сифатига мана шундай муносабатда бўлиш республика енгил ва озиқ-овқат корхоналари учун ҳам характерли эканини айтиб ўтиш керак. Бу корхоналар биринчи сорт буюмлар ишлаб чиқаришни планга нисбатан анча камайтириб юборди.

Кўпгина корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари ўз иш натижаларига аввалгидек ҳозир ҳам фақат ялпи ва товар маҳсулоти ишлаб чиқариш планининг бажарилишига қараб баҳо бермоқдалар, мана шу планлар баъзан пул маблағлари ва моддий бойликларни ўйламай-нетмай сарфлаш орқали бажарилаётганлиги билан ҳисоблашмаяптилар.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш зарурки, хўжалик ҳисоби сусайтириб қўйилганлиги натижасида республикадаги корхоналар ва хўжалик ташкилотлари 1964 йилда ўз оборот маблағларининг қарийб 70 миллион сўм миқдорида, шу жумладан Халқ хўжалиги кенгашига қарашли корхоналар 15 миллион сўм, Қишлоқ хўжалик министрлиги корхоналари 33,2 миллион сўм, Қурилиш министрлиги корхоналари 8,6 миллион сўм, «Узгоссадвинконсерв» корхоналари 2,5 миллион сўм етишмай қолишига йўл қўйдилар. Ўзларига давлат ажратиб бераётган ички оборот маблағларининг «ҳазм қилиб юборилиши»га йўл қўяётган корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг раҳбарларига нисбатан муросасозлик билан қарашга чек қўйиш керак.

1964 йилда Давлат бюджетининг харажат қисми аниқлаб олинган планга нисбатан 99 процент бажарилди. Шу билан бирга, ҳеч бир область, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳри бюджетининг харажатлар планини бажармади, бунга асосан социал-маданий тадбирларга ажратилган маблағлардан тўлиқ фойдаланилмаганлиги сабаб бўлди. Халқ хўжалигига ажратилган маблағлардан 6,6 миллион сўми ёки 0,8 проценти, шу жумладан 6 миллион сўмдан кўпроқ капитал маблағ фойдаланилмай қолди. 1964 йилда республикада капитал ишлар плани 94 процент, асосий фондларни ишга солиш плани эса атиги 75 процент бажарилди.

Республика Госплани, Халқ хўжалиги кенгаши, министрликлари ва идоралари капитал қурилишидаги камчиликларни тугатиш учун кескин чоралар кўришлари зарур. Мавжуд машина-ускуналарни тезроқ ишга солиб юборишга алоҳида эътибор бериш керак, бу эса давлат маблағларини қўшимча равишда сарфламасдан туриб, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, чиқарилаётган маҳсулот таннархини камайтириш, рентабелликни ошириш имконини беради.

Социал-маданий тадбирларга, чунончи маорифга ажратилган маблағлардан қарийб 9 миллион сўми, соғлиқни сақлаш ишларига ажратилган маблағлардан 3,5 миллион сўми фойдаланилмай қолди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳри ижроия комитети бюджетнинг ижроси қандай бораётганлигини мунтазам равишда муҳокама қилиб туришлари ҳамда социал-маданий тадбирларга ажратилаётган маблағлардан тўла фойдаланиш чораларини кўришлари зарур. Молия министрлиги, республика министрликлари ва идоралари бюджет маблағларидан тўла ва самарали фойдаланишни устидан контролни кучайтиришлари керак. Шу йил тўрт ойи мобайнида саноат корхоналари пландан ташқари қарийб бирнеча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Айни маҳалда 149 корхона 7,9 миллион сўмлик маҳсулотни кам берди. Шулар орасида Халқ хўжалиги кенгашининг 37 корхонаси ва республика Қурилиш министрлигининг 19 корхонаси бор. Ғалла маҳсулотлари ва аралаш озуқа, Энергетика ва электрлаштириш, Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрликларида, «Узглавбит» системасида ҳам ана шундай аҳвол содир бўлди.

Товар маҳсулотининг таннархи топшириқлари бажарилганлиги натижасида шу йилнинг биринчи кварталида республикадаги саноат корхоналари қарийб 7 миллион сўм пулни, шу жумладан Халқ хўжалиги кенгаши саноати 2,8 миллион сўм пулни пландан ташқари тежаб қолди. Айни маҳалда Халқ хўжалиги кенгашига қарашли 74 корхона ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини 4,3 миллион сўм, шу жумладан озиқ-овқат саноати 1,4 миллион сўм, пахта тозалаш саноати 0,9 миллион сўм, химия саноати 0,6 миллион сўм, тўқимачилик саноати 0,4 миллион сўм қимматлаштириб юборди. Биринчи кварталда брак маҳсулот чиқариш натижасида биргина Халқ хўжалиги кенгашига қарашли корхоналар қарийб бир миллион сўм зарар кўрди, 1,6 миллион сўмни эса беунум харажатларга ишлатиб юборди.

Тўрт ойлик фойда олиш планини Халқ хўжалиги кенгаши, министрликлар ва идоралар 99,5 процент, республика Қурилиш министрлиги эса 81,8 процент, Сув хўжалиги министрлиги 89,1 процент, Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги 85,6 процент, Савдо министрлиги 88,9 процент, «Узглавдорстрой» 50,6 процент бажарди.

Тўрт ойда капитал маблағ сарфлаш плани 86 процент, шу жумладан қурилиш-монтаж ишлари плани 90 процент бажарилди. Сув хўжалиги қурилиши соҳасида план айниқса қониқарсиз бажарилмоқда. Корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг молия-хўжалик фаолиятида ўтган йилги камчиликлар йўл қўйиб бўлмайдиган даражада суст кашлик билан тугатилаётганлиги ана шу рақамлардан кўриниб турибди.

Тўлов — ҳисоб-китоб интизоми соҳасидаги, аҳвол бу йил ҳам яхшиламади. Шуни айтиш кифояки, биргина Халқ хўжалиги кенгашининг ўзида 42,9 миллион сўм миқдоридаги оборот маблағи товар материал бойликларини, шу жумладан 16,2 миллион сўмлик тайёр маҳсулот ва товарларни пландан ортиқча ғамлаб қўйиш учун беплан сарфлаб юборилди.

Товарларнинг нархлари камайтирилганига қарамай, 1965 йил 1 апрелгача чакана савдо шохобчасидаги товарларнинг нормадан ортиқча қолдиқлари камайи

ЎЗБЕКИСТОН ССР 1964 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

В. М. МУРОДХЎЖАЕВ доклади юзасидан музокаралар

Депутат Г. И. СКОРОБОГАТОВ нутқи

Андижон область ижроия комитети раисининг ўринбосари

Саноатни, қишлоқ хўжалигини ва экономиканинг бошқа тармоқларини ривожлантиришда областимиз меҳнаткашлари қўлга киритган ютуқлар бюджетни муваффақиятли ижро этиш учун мустаҳкам негиз яратиб бермоқда. Областимизда бюджетнинг даромад қисми бир неча йилдан бери сурункасига тўла бажариб келинган бўлса, ўтган йили 103,2 процент бажарилди.

Бу йил бюджетни ижро этиш соҳасида олдимизда аввалгидан ҳам каттароқ вазифалар турибди. Чунки бюджет ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 20 процентдан зиёд кўпаймоқда, шунга мувофиқ равишда биз сафарбар этадиган даромадлар ва қиладиган харажатлар ҳам ошмоқда. Областимиз аҳолисига бевосита хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаётган ходимлардан 80 минг кишининг иш ҳақи оширилганлиги бир йилга ҳисобланганда 14 миллион сўмдан кўпроқ қўшимча пул талаб қилмоқда. Қарийб 90 минг колхозчи янги қонунга биноан 15,3 миллион сўм пенсия олади. Чорва маҳсулотлари, дон ва шолининг харид нархлари оширилганлиги натижасида хўжаликлар қарийб тўққиз миллион сўм қўшимча даромадга эга бўлади.

Молия ва страхование ходимлари билан ўтказилган кенгашларда бюджет ижросида йўл қўйилган камчиликлар кўриб чиқилди, шу камчиликларни йўқотиш чоралари белгиланди. Мана шу йилнинг ўтган тўрт ойи ичида бюджетнинг даромад қисми оширилиб бажарилди. Лекин харажатларга келганда капитал қурилиш ишларидаги, савдо-сотиқдаги нуқсонлар сабабли орқада қолинмоқда. Бюджетдан ажратилган маблағлардан белгиланган мақсадларда тўлиқ фойдаланилишини таъминлайдиган чоралар кўрилмоқда. **(Қарсаклар).**

Депутат А. А. САРИМСОҚОВ нутқи

Республика савдо министри

Республикамиз экономикаси, айниқса пахтачилик гуркираб ривожланганлиги ва шу асосда халқнинг моддий ҳамда маданий турмуш даражаси ошиб бораётганлиги товар оборотини муваффақиятли ривожлантиришга ёрдам берди. Бир йилда республика аҳолисига сотилган ҳар хил товарлар 287,5 миллион сўмлик кўпайди. Маданий-маиший ва уй-рўзғор молларини сотиш айниқса кескин ошди. Шу йилнинг тўрт ойида ҳам товар оборотини плани ошириб бажарилди.

Савдо-сотиқ учун мустаҳкам моддий техника базаси вужудга келтирилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 984 та савдо ва умумий овқатланиш корхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Лекин савдо шохобчасини юксалтириш суръатлари хали етарли даражада эмас. Биз савдо корхоналари қурилиши билан яқиндан шуғулланишни, буни биринчи галлаги муҳим иш деб ҳисоблашни Қурилиш министрлиги ва унинг трестларидан илтимос қиламиз. Қурилиш ишларини фақат давлат капитал маблағлари ҳисобидан олиб бормасдан, шу билан бирга маҳаллий Советлар, саноат корхоналари, ўқув юртларининг маблағлари ҳисобидан олиб бориш керак. Савдо шохобчасига янги, пишиқ ва чиройли товарлар борган сари кўп кела беради. Лекин республикадаги саноат корхоналарининг ҳаммаси ҳам харидорларнинг диди ва эҳтиёжи ўзгариб бораётганлигини ҳисобга олянти деб бўлмайди. Шу сабабдан ҳали ҳам кўпгина ёмон буюмлар савдо шохобчасига тушиб қоляпти.

Товар обороти плани ошириб бажарилганлиги ва давлат маблағлари тежаб-тергаб сарфланганлиги натижасида фойдадан пул ажратиш соҳасида ҳам бюджет олдидаги мажбурият тўлиқ бажарилди. Бироқ, Савдо министрлигининг молия-хўжалик фаолиятида жиддий камчиликлар бор. Айрим ташкилотлар хўжасизлик билан ишлаб, исрофгарчиликка йўл қўйди.

Ҳозир молия-хўжалик ишларини тубдан яхшилаш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Айни маҳалда биз савдо ташкилотларини кўшимча равишда оборот маблағлари билан таъминлаш масаласини кўриб чиқиш ва ҳал қилиб беришни Молия министрлигидан илтимос қиламиз.

Ўзбекистон савдо ходимлари совет кишиларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини иложи борича тўлароқ қондиришни ўзларининг асосий вазифалари деб билмоқдалар ҳамда бутун куч-ғайратларини шу вазифани бажаришга сарфламоқдалар. **(Қарсаклар).**

Депутат А. А. ХЎЖАЕВ нутқи

Республика Министрлар Совети Ихтисослаштирилган совхозлар, консерва ва вино саноати давлат ишлаб чиқариш комитетининг раиси

Бизнинг совхозларимиз боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга ҳамда вино ва консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва шундай маҳсулотлар сифатини оширишга ҳаракат қилиб, ўтган йили давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш планини тўла ва ошириб бажарди. Консерва ва вино заводлари ҳам давлат топшириқларини ортиғи билан адо этди.

Саноат корхоналари планни ошириб бажарганлиги натижасида ўтган йили бюджетга оборот солиғи тариқасида икки юз миллион сўмдан кўпроқ пул киритилди. Бизнинг коллективларимиз шу йилнинг тўрт ойида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш топшириғини, шунингдек биринчи кварталда фойда олиш ва бюджетга пул ажратиш планини муваффақиятли адо этди.

Лекин шуни рўй-рост айтиш керакки, биз ўз резервларимиз ва имкониятлар и м и з д а н ҳали тўлиқ фойдаланаётганимиз йўқ. Айрим совхо з л а р д а ҳосилдорлик даражаси паст. Биз КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларига мувофиқ, 1970 йилгача узум етиштиришни 2,4 баравар, мевани тўрт ярим баравар, сабзавотни 2 баравар кўпайтиришга ҳаракат қиламиз. Беш йил ичида 12 минг гектар узумзор ва уч минг гектардан ортиқ янги боғ барпо этишни мўлжаллаяпмиз.

Давлат комитети ҳар қайси совхоз, ҳар қайси корхона хўжаликмолия фаолиятининг натижаларини батафсил таҳлил қилиб кўрди ҳамда ишни яхшилаш соҳасида амалга ошириладиган конкрет тадбирларни тасдиқлади. Хўжаликларнинг рентабеллигини оширишга алоҳида эътибор берилди. 1965 йилда умуман фойда олиш плани ва бюджетга пул ажратиш топшириғи бажариладигина эмас, балки ошириб адо этилади, дейиш учун ҳамма асос бор.

Комитетимизга қарашли совхозлар ва корхоналарнинг ходимлари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни ва 1965 йилда олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун бутун куч-қувватларини сарфлайдилар, деб Олий Совет сессиясини ишонтиришга рухсат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

Е. АЙТМУРАТОВ нутқи

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси

Олий Советнинг бу сессияси бутун Ўзбекистонда КПСС Марказий Комитети март Пленумининг партия ва бутун совет халқи томонидан қизғин маъқулланган қарорларини амалга ошириш учун кураш қизиб кетган бир пайтда ўтказилмоқда.

Қорақалпоғистон меҳнаткашлари ўтган йили саноатда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 102 процент бажардилар. Маҳсулотнинг миқдори бундан аввалги йилдагидан 8 процент ортди. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш давлат планини ошириб бажардилар. Халқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан берилган топшириқларнинг муваффақиятли бажарилганлиги саноат товарлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайтирилганлиги аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш соҳасида муҳим тадбирларни амалга ошириш имконини берди.

Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР давлат бюджетини бажаришда анча муваффақиятлар қўлга киритилди. Автоном республиканинг давлат бюджети даромадлар бўйича 61,1 миллион сўм миқдорида, ёки 103,1 процент бажарилди. Аммо, бюджетнинг даромад қисмини бажаришда жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Қорақалпоғистон АССРдаги корхоналар ва ташкилотлар жамғариш планини 363,8 минг сўм миқдорида бажармай қолдилар. Бундан ташқари, матлубот кооперацияси планни 286 минг сўм миқдорида бажармади.

Ўзбекистон Министрлар Совети Қорақалпоғистон АССРнинг ишлаб чиқарувчи кучларини жадал ривожлантириш тўғрисида ва Автоном республиканинг маданиятини янада юксалтириш ҳақида муҳим қарор қабул қилди. Лекин Ўзбекистоннинг айрим министрликлари ва бошқармалари бу қарорни қониқарсиз адо этмоқдалар.

Қорақалпоғистон АССР 1965 йил учун социалистик мажбурият қабул қилди. Бу мажбуриятда барча тармоқларда давлат бюджетининг бажарилиши, корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий ишларини яхшилаш кўзда тутилади. Сизларни ишонтириб айтаманки, бу мажбурият, албатта, амалга оширилади. Давлат бюджети шу йилнинг биринчи кварталидаёқ даромадлар бўйича 108,7 процент бажарилди. **(Қарсаклар).**

И. Ф. МУҲАМЕДОВ нутқи

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

Сессияда муҳокама қилинаётган масалалар турмушнинг ўзи илгари сураётган, КПСС Марказий Комитети октябрь, ноябрь ва март Пленумларининг қарорларидан, коммунистик қурилиш программасидан келиб чиқаётган масалалардир.

Халқ хўжалиги кенгашига қарашли корхоналар коллективларининг ижодий меҳнати — миллий даромадни ўстиришнинг, аҳоли турмуш даражасини оширишнинг энг катта манбаи ҳисобланади. Ўтган йили бу корхоналар пландан ташқари неча ўн миллион сўмлик маҳсулот берди, буюмларнинг кўпгина янги хилларини ўзлаштириб олди. Халқ хўжалиги кенгашининг саноати бюджетга оборот солиғи тўлаш ва фойдадан пул ажратиш борасида ўз зиммасига юклатилган мажбуриятни 7,5 миллион сўм ошириб бажарди.

Айни маҳалда баъзи корхоналар ва тармоқ бошқармалари ўз имкониятларига яраша ишламади, резервлардан дуруст фойдаланмади, маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан берилган йиллик планни бажармади. Айрим корхоналар, айниқса тикувчилик, пойафзал, мебель корхоналари паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Товар-материал қимматларининг қолдиклари нормадагидан жуда ошиб кетмоқда. 113 корхона жамғарма тўплаш планини жами бўлиб 33 миллион сўм кам бажарди.

Халқ хўжалиги кенгаши ана шу ва бошқа жиддий камчиликларни тугатиш юзасидан бир қанча чоралар кўрди. Ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштиришга, капитал қурилиш ишларини кучайтиришга, тайёр қилинган объектларни фойдаланишга топширишга айниқса катта эътибор берилмоқда.

Халқ хўжалиги кенгашига қарашли саноат корхоналарининг коллективлари етти йилликнинг якунловчи йили планларини муваффақиятли бажариш учун курашга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз. **(Қарсаклар).**

Депутат Х. УМАРОВ нутқи

Фарғона область партия комитетининг секретари

Фарғона областининг меҳнаткашлари КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, ўтган йили халқ хўжалиги ва маданиятнинг ҳамма соҳаларини ривожлантиришда анча муваффақиятларга эришдилар. Областдаги партия, совет ва молия органларининг иқтисодий ҳамда контроль ишларини кучайтириш учун актив иш олиб борганликлари халқ хўжалиги плани, бюджет топшириқларининг тўла ва ошириб бажарилишига ёрдам берди. Бу эса планда кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва етарли миқдоода пул билан таъминлабгина қолмай, балки халқ хўжалиги ҳамда социал-маданий эҳтиёжлар учун қўшимча равишда маблағ сарфлаш имкониятини ҳам туғдирди. Ўтган йили областда бюджетдан ажратилган қўшимча маблағлар ҳисобига пландан ташқари 68 синф хоналари, Фарғонада 280 ўринли болалар боғчаси ва яслилар қурилди, бир қанча маданий-оқартув муассасалари қурила бошланди.

Бу йил бюджет маблағлари қолдиклари ҳисобига шаҳар ва районларда беш мингдан кўп ўринли мактаб биналари, 520 ўринли боғча ва яслилар, 200 ўринли соғлиқни саклаш муассасалари қурилмоқда. Бюджетнинг даромадлари плани бу йил ҳам яхши бажарилмоқда. Бу эса катта резервлар борлигини, экономикага тўғри раҳбарлик қилинган ва молия хўжалиги яхши уюштирилган тақдирда бюджет даромадлари планини анча ошириб бажаришимизни ва бу даромадлардан халқ хўжалиги ҳамда маданий қурилиш учун қўшимча маблағ сарфлай олишимизни кўрсатади. Фарғона область меҳнаткашлари ўз олдиларига кўйилган вазифаларни бажаришга бутун куч ва ғайратларини сарфлайдилар. **(Қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари депутат ўртоқ Р. С. САХИБОЕВ доклади

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг топшириғига биноан олтинчи чақириқ тўртинчи сессиясидан кейин қабул қилинган Фармонлар тўғрисида Олий Советга доклад қилиб беришга рухсат этгайсиз. Бу Фармонлар Ўзбекистон ССР Конституциясининг талабларига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети тасдиғига киритилади.

Хўжалик ва маданий қурилишга янада муваффақиятли раҳбарлик қилиш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми:

1964 йил 30 декабрда «Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги тузиш тўғрисида»,

1965 йил 4 мартда «Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигини Ўзбекистон ССР иттифоқ-республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги қилиб қайта тузиш тўғрисида»,

1965 йил 11 мартда «Ўзбекистон ССР Ғалла маҳсулотлари ва аралаш озуқа саноати министрлиги тузиш тўғрисида» Фармонлар қабул қилди.

Бу Фармонларни тасдиқлаш вақтида Ўзбекистон ССР Конституциясининг 50 ва 51-моддаларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш зарур бўлади.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши қайта тикланганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Конституциясининг 46, 47 ва 55-а моддаларига қисман ўзгартишлар киритиш зарур.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ана шу масалалар юзасидан Қонун проектларини сизларнинг қараб чиқишингиз учун тақдим этади.

Тўртинчи сессиядан кейин ўтган давр ичида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика Министрлар Совети Раисининг тақдимига мувофиқ баъзи ҳукумат аъзоларини янги вазифага тайинлаш тўғрисида Фармонлар қабул қилди.

1965 йил 24 апрелдаги Фармони билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Гайк Аветисович **Габриельянцни** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинлади.

1964 йил 31 декабрда ўртоқ Суннат Иброхимович **Иброҳимовни** Ўзбекистон ССР Қурилиш министри қилиб тайинлаш тўғрисида Фармон қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1965 йил 4 мартда қабул қилган Фармони билан ўртоқ Нормуҳаммад Жўраевич **Худойбердиевни** Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министри қилиб тайинлади.

1965 йил 9 апрелдаги Фармон билан ўртоқ Муҳитдин Йўлдошевич **Қурбонов** Ўзбекистон ССР Ғалла маҳсулотлари ва аралаш озуқа саноати министри қилиб тайинланди.

1965 йил 4 майда Ўзбекистон ССР Госплани Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Владимир Николаевич **Куликов** Ўзбекистон ССР министри қилиб тайинланди.

1965 йил 20 май Фармони билан Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги Кенгашининг Раиси ўртоқ Акром Рустамович **Хўжаев** Ўзбекистон ССР министри қилиб тайинланди.

Ўзбекистон ССР Конституциясининг 30-моддасига мувофиқ бу Фармонлар ҳам Ўзбекистон ССР Олий Советининг тасдиғига киритилади.

Депутат ўртоқлар! Олтинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи сессиясидан кейин республика Олий Совети Президиуми яна бир қанча Фармонлар қабул қилдики, бу Фармонларга биноан Ўзбекистон ССРнинг амалдаги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Гражданларнинг шахсий мулкида чорва моллар боқишдаги асосиз чеклашларни йўқотиш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1965 йил 7 январда «Гражданларнинг шахсий мулкидаги чорва моллар нормалари тўғрисида» Фармон қабул қилди. Бу Фармонга биноан, қишлоқ жойларда яшовчи ишчилар ва хизматчиларнинг ҳар бир оиласи ўзларининг ёрдамчи хўжаликларида кўпи билан битта сигир, эмадиган бузоқдан ташқари битта ёш қорамол, битта чўчқа ва бир ёшга тўлмаган болалари билан бирга учта қўй ҳамда эчки боқишлари мумкин.

Ушбу Фармон шаҳарларда яшовчи ишчилар ва хизматчиларнинг хўжаликларида (бунга Тошкент шаҳрининг мол боқиш таъқиқланган санитария зоналари кирмайди) боқиладиган чорва моллар нормасини ҳам белгилаб берди. Шунингдек, Фармонда совхозлар ва бошқа ташкилотларнинг чўл ва ярим чўл районларида яшовчи ишчилар ва хизматчиларининг хўжаликларида қанчадан чорва мол боқиш нормалари белгилаб берилди.

Чорва моллар боқишдаги чеклашларни йўқотиш тўғрисидаги бу Фармон чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш соҳасида КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми белгилаб берган вазифаларни ҳал қилиш йўлидаги муҳим омилдир.

Бу Фармоннинг қабул қилиниши муносабати билан ана шу масала юзасидан чиқарилган Ўзбекистон ССР Қонунларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш лозим бўлади.

Давлат ва жамоат мулкини ўғирлаганлик учун моддий жавобгарликни кучайтириш ва жамоатчиликнинг ўғирликларга қарши курош соҳасидаги ролини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1965 йил 16 февралда «Давлат ва жамоат мулкини ўғирлаганлик учун моддий жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» Фармон қабул қилди.

Социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашда жамоатчиликнинг ролига катта аҳамият берилиб, мазкур Фармонга кўра ўртоқлик судларининг давлат ёки жамоат мулкини ўғирлаганлик тўғрисидаги майда ишларни кўриб чиқиш соҳасидаги ваколатлари кенгайтирилди, шу билан бирга улар штраф солиш ва айбдор шахс зиммасига келтирилган моддий зарарни тўла қоплаш мажбуриятини юклаш ҳуқуқига ҳам эга бўлдилар.

Бу Фармонда давлат ёки жамоат мулкини майда ва унча кўп бўлмаган миқдорда ўғирлаганлик учун, амалдаги жиноят қонунларида назарда тутилган жазо чораларя билан бир қаторда, 50 сўмгача, бу ҳаракат иккинчи марта қилинганда эса — 100 сўмгача штраф солиш кўзда тутилади.

Бундан ташқари шу Фармонга биноан Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси янги модда билан тўлдирилиб, бу моддага кўра, давлат ёка жамоат мулкини ўғирлаш, ўзлаштириш ёки камомат қилиш, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, фирибгарлик йўли билан биринчи марта ёки унча кўп бўлмаган миқдорда ўғирлаганлик учун айбдор шахсга унинг кимлигини ва ишнинг ҳолатини ҳисобга олиб туриб, ўғирланган мулкнинг уч баравар қиммати миқдорида штраф солиш жазоси ҳам қўлланилиши мумкин.

ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1965 йил 5 марта «Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Фармон қабул қилиб, бу Фармон билан ҳарбий жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутувчи айрим моддаларга баъзи бир ўзгартишлар киритди.

Шу йил 31 мартда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ўзбекистон ССР адвокатураси тўғрисидаги Низомга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Бу Фармонга кўра юридик комиссиянинг, адвокатлар коллегияси президиумининг ҳуқуқ доиралари янада аниқлаб берилди ва адвокатура ишларига оид бошқа бир қанча ташкилий масалалар ҳал қилиб берилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1965 йил 12 апрелдаги Фармони билан майда чайқовчилик учун жавобгарликни кўзда тутувчи амалдаги қонунга тегишли ўзгартиш киритиб, биринчи марта майда чайқовчилик қилган шахслар тўғрисидаги ишларни қонун-қоидани бузган шахснинг кимлигини ва қилинган ножўя ҳаракатнинг характерини ҳисобга олган ҳолда унга нисбатан жамоат таъсири кўрсатиш чораларини қўлланиш учун жамоат ташкилотларига, механизмларнинг коллективларига ва ўртоқлик судларига юбориш мумкинлигини белгилаб берди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1965 йил 12 апрелда «Ўзбекистон ССР составида янги районлар тузиш тўғрисида» Фармон қабул қилиб, бу Фармонга кўра янгитдан 12 та қишлоқ райони тузилди ва шу тариқа республикамизда эндиликда 86 та қишлоқ райони ва 6 та шаҳар райони вужудга келди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССРнинг маъмурий-территориал бўлинишидаги ўзгаришларга оид мазкур Фармон ҳам Олий Совет тасдиғига киритилади.

Депутат ўртоқлар! Шу ўтган давр ичида республика Олий Суди составида ҳам ўзгаришлар бўлди.

1965 йил 5 февралдаги Фармон билан ўртоқ Саъдулла Хўжаевич **Пўлатхўжаев** Ўзбекистон ССР Олий Суди Раисининг биринчи ўринбосари вазифасини бажариб туришига рухсат этилди.

1965 йил 14 ва 19 январдаги Фармонлар билан эса Маҳмуд **Аҳмаджонов**, Сотволди **Эшматович Ботиралиев**, Музаффар **Маҳмудов**, Мухтор Қодирович **Мирзаолимов**, Неъмат **Раҳматуллаев** ва Рауфжон **Юсупов** ўртоқлар Олий Совет сессиясида сайлангунга қадар республика Олий Судининг аъзолари вазифасини бажариб туришларига рухсат этилди.

Шу муносабат билан ўртоқ Саъдулла Хўжаевич **Пўлатхўжаевни** Ўзбекистон ССР Олий Суди Раисининг биринчи ўринбосари қилиб сайлаш тўғрисида таклиф киритилади. Шу билан бир вақтда Маҳмуд **Аҳмаджонов**, Сотволди Эшматович **Ботиралиев**, Музаффар **Маҳмудов**, Мухтор Қодирович **Мирзаолимов**, Неъмат **Раҳматуллаев**, Рауфжон **Юсупов** ўртоқларни ҳам республика Олий Судининг аъзолари қилиб сайлаш тўғрисида таклиф киритилади.

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги Қонун ва Қарорларнинг проектлари сизларга тарқатилган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдим этилган ана шу Қонун ва Қарорларнинг проектларини кўриб чиқиш ва қабул қилишни сўрайди. **(Қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг халқ маорифи ва қонун чиқариш бўйича доимий комиссияларининг қўшма йиғилиши бўлди. Йиғилишда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Саккиз йиллик мажбурий умумтаълим тўғрисидаги Қонуннинг бажарилиши ва ёшлоатга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқ тартиботлари бузилишининг олдини олиш тадбирлари ҳақида»ги 1965 йил 30 январдаги қарорининг Қашқадарё область маҳаллий Советлари ижроия комитетлари томонидан бажарилиши тўғрисида Қашқадарё область ижроия комитетининг раиси И. Ж. Жалилов доклад қилди. Музокараларда депутатлардан Қ. Узиқабоев, В. А. Абдуллаев, М. В. Ҳамидхонов сўзладилар.

Комиссияларнинг 1965 йилнинг иккинчи ярми учун иш планлари тасдиқланди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

1965 йил 9 июнь кундуз соат 2 да. Тошкент Давлат медицина институтининг илмий совети мажлисида (акт зали) қуйидагилар медицина фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

Я. М. Балич: «Қуюк касалигида ҳамда нур ва термик шикастланишда қон газ таркибининг ўзгариши (клиник-экспериментал текшириш)» деган темада.

Н. Файзуллаев: «Полиомиелит натижасида тўпиқдан пастки қисмининг қийшайишини тузатиш учун баъзи пай-мускул пластикаси усулининг эффективлиги» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Карл Маркс кўчаси, 103-уй).

ЎЗБЕКИСТОНДА УКРАИНА АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ 1965

Сафар маршрути тугалланди

САМАРҚАНДДА УЧРАШУВ

Совет Украинасининг Днепр соҳилларидан бизга йўллаган армуғони—дилрабо қўшиқлар Ўзбекистоннинг яшнаб турган водийлари, беғубор даштларида баҳор сувларидек мавж уриб турибди.

Украина адабиёти ва санъати декадасининг қатнашчилари кўп жойда бўлдилар. Дўстлик маршрутлари Фарғона ва Зарафшон водийлари, қадимий Бухоро ва маҳсулдор Хоразм ерлари оша ўтди. Ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, артистлар Мирзачўл ва Қашқадарёдаги қўриқ ерларни забт этувчиларнинг, пахтакорлар, чорвадорларнинг, Қорақалпоғистон балиқчиларининг меҳмони бўлдилар. Улар борган ҳамма жойда декада машъали порлаб турди. Декада Украина ва Ўзбекистоннинг дўстлик байрами—маданият байрами бўлиб қолди.

Ўзбекистон бўйлаб сафарга чиққан декада қатнашчиларининг ҳамма группалари Самарқандга келишди. Улар шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар, тарихий ёдгорликларни томоша қилдилар. 27 май кечқурун Самарқанд опера ва балет театрида шаҳар меҳнаткашлари қардош Украина маданияти арбоблари билан учрашдилар.

Азиз меҳмонларни табриклашдан олдин ва навқирон шаҳар меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари бу ерга тўпланишди. Украина вакиллари залга кириб келганларида ҳамма ўрнидан туриб, гулдурос қарсак чалади ва шу ажойиб учрашувдан бениҳоя хурсанд бўлганликларини изҳор қилади.

Самарқанд область партия комитетининг секретари М. Ҳ. Хасанова меҳмонларни қизғин табриклаб нутқ сўзлайди. М. Ҳ. Хасанова Ўзбекистон меҳнаткашларининг украиналик қардошларига самимий муҳаббат туйғулари ҳақида, мамлакатимиз халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик тўғрисида гапиради.

— Улуғ дўстликнинг ҳаётбахш кучи, — деб таъкидлайди СССР халқ артисти Муҳтор Ашрафий, — коммунизм қурилиши соҳасида ажойиб самаралар берди. Биз Украина санъат арбобларининг Ўзбекистонга қилган сафарлари учун улардан миннатдор эканлигимизни билдирамиз. Декада ҳар иккала қардош республика маданиятини янада ривожлантиришга, шубҳасиз, ёрдам беради.

Самарқанд университетининг студенти Тожи Хожимуротова бундай дейди:

— Ўзбек студентлари украин адабиётининг асарларини зўр иштиёқ билан ўрганмоқдалар. Қишлоқларда украин ёзувчиларидан Тарас Шевченко, Иван Франко, Леся Украинка, Александр Корнейчук, Максим Рильский, Олесь Гончар ва бошқаларнинг асарларини билмаган кишиларни, хусусан ёшларни тополмайсиз. Ана шу ва бошқа кўп талантли украина ёзувчиларининг ижоди Ватанимиз халқларининг мулки бўлиб қолганлиги билан фахрланамиз.

Украина Компартияси Марказий Комитети фан ва маданият бўлимининг мудири Ю. Ю. Кондуфор ўз нутқида қуйидагиларни айтди:

— Кадрли ўзбек биродарларимиз! Ўз юртингизда самимий ва шодиёна кутиб олганлигингиз учун сизларга ташаккур изҳор қиламиз. Биз серқуёш Ўзбекистонингизнинг шаҳар ва қишлоқларидаги ажойиб ва унутилмас учрашувлар хотирасини ўз қалбимизда абадий саклаймиз.

Кекса Днепр, шонли Киев, ям-яшил Закарпатье, индустриал Луганскни залга тўпланган кишилар кўргандек бўлди. Украина санъати усталари улар тўғрисида гапирдилар ва қўйладилар. Самарқандликлар Тарас Шевченконинг «Гайдамаклар» поэмасидан парча ўқиб берган СССР халқ артисти Н. М. Ужвийни, спектакллардан парчалар ижро этган СССР халқ артисти В. М. Дальскийни қизғин табриклашдилар. Украина ССР халқ артистлари Е. Червонюк, Е. Ершова, Н. Апухтин, С. Козак, Н. Фокин ва Украина санъатининг бошқа моҳир усталари самимий кутиб олинди.

Дўстлик кечасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов қатнашдилар. (ЎзТАГ).

ИМТИҲОНДА ЯНГИ ТАРТИБ

Ўқув йилининг сўнгги дақиқалари ўтиб бормоқда. Мактабларда ҳаяжонли дамлар ўтиб кетгани ҳақида хабар берувчи охирги қўнғироқнинг жиринглашига саноқли кунлар қолди. Олдинда имтиҳон. Ўқувчилар ҳаяжонда. Улар фақат бир фикр билан: ўқув йилини муваффақиятли якунлаш, ўз ўқитувчиларидан олдида яна бир бор синовдан ўтиш, уларнинг ишончларини оқлаш иштиёқи билан яшаяпдилар.

Бу йил умумий таълим мактабларида имтиҳонлар 5-синфдан бошлаб ҳамма синфларда ўтказилади. Бу янгилик ҳақида сўзлаб бериш учун биз Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги Мактаблар бошқармасининг бошлиғи Иброҳим Солневич Мўминовга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик:

Савол: Имтиҳонни ўтказишдаги янги тартибдан кутилган мақсад нима?

Жавоб: Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1964 йил 10 ноябрда чиқарган «Республика умумий таълим мактабларида синфдан синфга кўчириш имтиҳонларини жорий қилиш ҳақида»ги қарорига биноан республика Маориф министрлигининг 1965 йил 3 апрелдаги буйруғига асосан бу йил Ўзбекистон мактабларида 8 ва 11-синфлардаги илгаридан ўтказилиб келинаётган битириш имтиҳонларидан ташқари 5,- 6,- 7,- 9- ва 10-синфларда ҳам синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари ўтказилади. Бу имтиҳонлар ўқитувчилар ва ота-оналар жамоатчилигининг илтимосларига биноан киритилган бўлиб, бундан мақсад ўқувчиларнинг билим даражаси устидан назоратни кучайтириш, уларга ўқув материалларини чуқур сингдиришда мактаб педагогика коллективи масъулиятини оширишдир. Шуни унутмаслик керакки, бу имтиҳонлар фақат ўқувчилар учунгина эмас, балки ўқитувчилар учун ҳам синов бўлиб, уларнинг ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашдек шарафли вазифаларга қандай муносабатда бўлганликларини яққол кўрсатиб беради. Шунингдек, партия ва ҳукуматимизнинг мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш соҳасидаги кўрсатмалари асосида министрлик томонидан кейинги даврларда амалга оширилган ишлар қандай самаралар бераётганини ҳам кўрсатади.

Савол: Бу янги тартиб Иттифоқ масштабида ўтказиладими?

Жавоб: Юқорида айтилганидек, имтиҳонлардаги янги тартиб республика ҳукуматининг қарорига асосан амалга оширилаётган бўлиб, ҳар иттифоқдош республиканинг ўзигагина тааллуқлидир. Масалан, бундай имтиҳонлар бу йил Ўзбекистон ва Тожикистондагина ўтказилади.

Савол: Имтиҳонларни юқори савияда ўтказиш учун маориф ходимлари қандай чоралар белгиладилар?

Жавоб: Аввало, Тошкент шаҳар ва область ўқитувчилар малакасини ошириш институтларига ёзма имтиҳонлар учун вариантларни тайёрлаш топширилди. Улар бу вариантларни шаҳар ва областлар халқ маориф бўлимлари тасдиқидан ўтказиб, мактабларга юбориш учун тайёрлаб қўйдилар. Ёзма имтиҳон билетларини эса тажрибали ўқитувчилар ёрдамида район педагогика кабинетлари тайёрлаб, тегишли мактабларга юбордилар. Ҳозир министрлик ўз ходимларидан бир группасини республика областларига юбориб, мактабларнинг коллективларига тегишли ёрдамлар уюштирмоқда.

Савол: Предметлар бўйича синфларда ўтказиладиган имтиҳонларни танлашда қандай принципга амал қилинди?

Жавоб: Министрлик предметлар бўйича синфлардаги имтиҳонларни кенг педагоглар оммасининг мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда белгилади. Чунончи, ўқувчиларнинг эътиборини ҳамма фанларга баравар тортиш мақсадида